Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ ЗУЛ-ҲИЖЖА, 12-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ САРАТОН, 6-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган — 1991 йил 25 июнь, сешанба, 119-сон — НАРХИ обуначига 7 тийин. сотувда 10 тийин.

Деҳқончилик ва бозор иқтисодиёти

НАСИБАМИЗ ЕРГА СОЧИЛГАН

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари сингари қишлоқ хўжалиги жамоалари ҳам жиддий иқтисодий тангликни бошдан кечираяптилар. Бунинг бош сабаби турли тармоқлар ўртасида Иттифоқ шартномаси тузилиши кечикиб бораётгани бўлса, иккинчи бонси ишлаб чиқариш воситалари билан етиштирилаётган маҳсулот ўртасида мутаносиб чакана нархлар қали жорий қилинмаганлигидир. Оқибатда саноат ишлаб чиқаришида ҳам, деҳқончилик соҳасида ҳам бошбошдоқлик ҳукм сураяпти. Техника қиммат, эҳтиёт қисм, ўғитнинг нархи баланд.

Хўш, нима қилиш лозим? Вазиятдан чиқишнинг йўли битта: ихтиёримиздаги ернинг унумдорлигини иккиуч ҳисса оширишимиз керак. Токи етиштириладиган маҳсулот миқдори ва сифати ошиб, кўпроқ даромад келтирсин. Маблағ бўлса, юқоридаги муаммоларни осонроқ ҳал этиш мумкин. Негаки, энди илгаригидек, давлат қарз бермайди. Берса ҳам қисқа муддатга катта миқдорда процент тўлови шарти билан беради. Демак, бундан кейин ҳар бир жамоа — хоҳ у корхона бўлсин, хоҳ хўжалик бўлсин — ўз аравасини ўзи тортиши талаб этиляпти.

Бу аҳоли сони ўн уч минг кишидан ошиб бораётган, экин майдони эса бор-йўғи 447 гектардан иборат хўжалигимизда жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Лекин биз ҳосилдорликни ошириш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш эвазига иқтисодий аҳволимизни бирмунча яхшилашга эришаяпмиз. Қандай қилиб? Ҳаммага маълум, қишлоқ хўжалигида рентабеллик пасайиб кетишига, экин майдонларининг ишдан чиқишига биринчи сабаб ернинг эгасизлиги бўлди. Чунки у жамоа ўртасида эди. Яъни ҳеч кимники эмасди. «Давлатники, жамоа хўжалигиники» эди. Иккинчидан, ер ўртада бўлгач, ҳақ тўлаш бир текис амалга ошириларди, кўпчилик томонидан бажарилган ишда кимнинг қандай иштирок этгани, унга қанчалик ҳисса қўшганлигини аниқлаш мушкуллашарди. Оқибат эса маълум: ишладими, йўқми — далага кетмон кўтариб чиққан одамга ҳақ тўлаш шарт эди. Кўпчилик бажарган иш бунинг устига юзаки, сифатсиз бўларди. Бир агротехник тадбирни уч-тўрт марта қайта-қайта ўтказиш талаб қилинарди. Бундан харажат ошса ошардики, даромад кўпаймасди.

Ер оилавий звеноларга тақсимлаб берилгач унга муносабат батамом ўзгарди. Ҳар бир оила яхши даромад олиш, яхши яшаш, орзу-ҳавасларини рўёбга чиқариши ўзига биркитилган ерда қанчалик меҳр билан тер тўкиб ишлашига боғлиқ эканлигини тушуниб етаяпти.

Айни пайтда хўжаликда ўн тўртта бригада бўлиб, уларга тегишли ер 162 та звенога тақсимланган. Бу эса кўп ва сифатли мева-сабзавот, чорва озуқаси етиштиришга имкон бераяпти. Шуниси диққатга сазоворки, деҳқонлар ишни сифатли бажариш, ўғит ва техникадан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳисобига катта миқдордаги маблағларни иқтисод қилиб қолишга эришмоқдалар. Натижада бултур хўжалик режалаштирилган бир миллион олти юз минг сўм ўрнига уч миллион сўмга яқин даромад қилди. Шунинг 200 минг сўмдан кўпроғи соф фойда ҳисобланади.

Бунга ҳар бир гектар ер, боғ ва токзор ҳосилдорлигини анча ошириш эвазига муваффақ бўлинди. Масалан, сабзавот гектар бошига режадагидан олтмиш етти, картошка етмиш, узум йигирма беш центнер кўп етиштирилди. Озгина бўлса-да, кейинги йилда ўзлаштирилган Янгиариқ массивидан айниқса мўл-ҳосил — 3.600 тонна сабзавот, анча чорва озуқаси йиғиштириб олинди. Ансор Ҳайдаров, Баҳрулла Тоҳиров, Маъсуджон Холиқов, Нуриддин, Шодиев, Мамлакат Раупова бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектарига 360—420 центнерга тўғри келди. 800—1.000 центнердан сабзавот етиштирган миришкор пудратчилар кўп.

Даромад ҳам шунга яраша бўляапти. Ҳамид Обидов звеноси узумчиликдан 4.620 сўм ўрнига 13 минг 720 сўм даромад қилди. Унинг 6.300 сўми режадан зиёд тайёрланган юқори сифатли маҳсулот учун тўланган ҳақдир.

Бултур 60 гектар ерда плёнка остида карам етиштирдик. Уни эрта баҳорда савдога чиқариш туфайли 700 минг сўм даромад олдик. Бошқа эртанги маҳсулотлардан ҳам яхшигина манфаат кўрилди. Бундан тушган бир миллион икки юз йигирма беш минг сўм деҳқонларга иш ҳақи сифатида тақсимланди.

Агар бошқаларга боғлиқ қатор муаммолар ишимизга тўсиқ қўймаганда, натижа бундан ҳам яхшироқ бўлиши тайин эди. Гап шундаки, плёнка топиш йил сайин жиддий муаммога айланаяпти. Ёғоч материаллари бир неча баравар қимматлашиб кетганлиги туфайли яшчик нархи ҳам кўтарилди. Шунга қарамасдан уни етарли миқдорда топиш ҳам мушкул. Давлатнинг олдибердиси пухталигини қарангки, яшчикнинг донаси бизга 1 сўм 47 тийинга сотилади. Карам билан эса 1 сўм 10 тийинга олинади. Бу деҳқонни мазах қилишдан бошқа нарса эмас. Хўжалик ҳар йили яшчикнинг ўзидан 30—40 минг сўм зарар кўраяпти.

Муаммолар кўплигига қарамай, хўжалик меҳнат аҳли уюшқоқлик билан ишламоқда. Ер ниҳоятда чекланган бўлса-да, Президент фармонига кўра аҳолига унинг 50 гектари тақсимлаб берилди. Бу томорқалар ҳам мўл-кўлчилик, тўкинликка хизмат қилажагига шубҳа йўқ.

Бир сўз билан айтганда, бозор иқтисодиётининг мураккаб шароитида бутун меҳрини, куч-ғайратини шу она тупроққа сарфлаган деҳқон дар қолмайди. Чунки ер барча бойликларнинг онаси, бутун ризқимиз, насибамиз унинг бағридадир.

Сирож УСМОНОВ,
Самарқанд районидаги Максим Горький номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Б. Н. Ельцин Россия Президенти этиб сайлангани муносабати билан Узбекистон ССР Президенти И. А. Каримов унга табрик телеграммаси йўллади. Унда бундай дейилади:

ЎРТОҚ БОРИС НИКОЛАЕВИЧ ЕЛЬЦИНГА

Ҳурматли Борис Николаевич!

Жумҳуриятимиз барча меҳнаткашлари номидан Сизни Россия президенти юксак лавозимига сайланганингиз билан самимий табриклайман. Сизга чин дилдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Сизнинг янги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Россияликлар билан Ўзбекистон халқи ўртасидаги анъанавий дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорлик кўп миллатли Ватанимиз равнақи йўлида бундан кейин ҳам мустаҳкамланаверади ва ривожланаверади, деб ишонч билдираман.

Ўзбекистон ССР Президенти
И. КАРИМОВ.

Сиз суратда кўриб турган қиз — Умида Толипова Тошкентдаги кўнмўйна заводида ишлайди. Унинг ширмои юзларида табассум, қуралай кўзларида нур балқиб турганининг боиси бор: ёш ишчи аввало ўзи танлаган касбдан мамнун бўлса, кунлик режани доимо зиёди билан уддаламоқда.

Ҳ. СОЛИҲ олган сурат.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШЧИ КОЛОННАЛАРИГА САФАРБАР ЭТИЛГАН СССР ФУҚАРОЛАРИНИ «1941—1945 ЙИЛЛАР УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАГИ ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Тарихий адолатни тиклаш мақсадида ва 1941—1945 йилларда Улуғ Ватан уруши даврида ғайри қонуний тарзда зўравонлик билан кўчирилган немислар ва бошқа халқлардан иборат СССР фуқаролари ишчи колонналарига сафарбар этилиб, улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан урушда ғалаба қозонишга қўшган ҳиссаларини эътиборга олиб, СССР Олий Кенгашининг 1989 йил 14 ноябрдаги «Зўравонлик билан кўчирилган халқларга қарши қатлиом ҳаракатларини ғайриқонуний ва жиноий деб топиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида»ги декларацияга амал қилиб, СССР Конституциясининг 127(3) - моддасининг 12 бандига асосан қарор қиламан:

1. Ишчи колонналарига сафарбар этилган СССР фуқаролари «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотлансин.

Медални мукофотланган киши яшайдиган ердаги халқ депутатлари шаҳар ва район советлари ижроия комитетлари унинг ишчи колонналаридаги ҳалол меҳнатини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида СССР Президенти номидан топширадилар.

2. СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Мудофаа вазирлиги фуқароларга ҳамда халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия комитетларига «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотлашга тақдим этиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашсинлар.

3. Республикаларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия комитетлари мазкур фармонга мувофиқ мукофотланганларга фидокорона меҳнати ва Улуғ Ватан уруши йилларида фронт ички ишларида бенуқсон ҳарбий хизмат ўтаганлиги учун давлат мукофотларига сазовор бўлган фуқароларга кўзда тутилган ва қонунда белгиланган имтиёзлар берилишини таъминласинлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 21 июнь.

Ветеринария хизмати

АҲВОЛ ЎНГЛАНАДИМИ?

Тошкент вилояти ҳудудида 212 давлат ва жамоа хўжалиги гўшт етиштиришга мўлжалланган 4 та чорвачилик комплекси, «Узптицепром»нинг 8 та паррандачилик, 2 та қундуз (норка)чилик, 5 та балиқчилик хўжаликлари, бўрдоқичилик базалари ва турли тармоқлар, идоралар, ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари ҳамда бир қанча кичик корхоналар мавжуд. Уларнинг деярли ҳаммасида ветеринария хизмати талаб даражасида эмас. Масалан, ўтган йили Бекобод районининг Бобур номли жамоа хўжалигида ҳар юз бош сигирдан атиги 50, «Ленинград» жамоа хўжалигида 43, Коммунистик районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигида 39 бош бузоқ олинган, холос.

Бўстонлиқ, Паркент, Бўка, Янгийўл районларининг кўпгина хўжаликларида бузоқ боқиш соҳасида хатогина эмас, жиноий ишларга ҳам йўл қўйилмоқда. Фойда кетидан қувиб бирёқлама иш тутиш натижасида бузоқларга кунига 4 марта ўрнига 2 марта сут бериш билан чекланилаётир.

Бир қанча хўжаликлар молхоналарида махсус жиҳозланган туғруқхоналар йўқ. Борларида ҳам назбатчилик ташкил қилинмаган. Натижада биринчи ўғиз сутини бузоқлар 1,5-2 соатдан кейин эмас, орадан 6—10 соат ўтгач эмаяпти. Бу эса уларни ошқозон-ичак касалликларига чалинишига, заиф ўсишига олиб келмоқда. Шунингдек, молхоналарнинг ифлослиги, нотўғри озиқлантириш, касалликларга чалиниш сабабли жониворларни мажбуран сўйиш ва ҳаром ўлиши ҳоллари кўп. Масалан, 1990 йилда вилоят хўжаликларида 924 бош қорамол ҳаром ўлди. Бу 1989 йилдагига нисбатан 226 та кўп. 1991 йилнинг биринчи чорагида эса 273 бош қорамол ҳаром ўлган. Мажбурий сўйиш эса 339 бошни ташкил этди ва ўтган йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан 240 бошга ортди. Ваҳоланки мажбурий сўйилган бу моллларда юқумли касалликлар йўқ эди. Даволаса бўладиган оддий касалликларнинг ҳам олди олинмаяпти.

Вилоятда паррандаларни боқишга ҳам масъулиятсизлик билан ёндошилмоқда. Шу йилнинг 4 ойи мобайнида 940 минг парранда ўлган. Туберкулёз, бруцеллёз, оқсил, сибирь яраси, қутуриш, чўчқа рожаси каби касалликларнинг олди олинмаяпти. Бу эса мутахассисларнинг тажрибаси пастлиги, масъулиятни ҳис этмаётганликлари оқибатидир. Қолаверса, вилоят ветеринария муассасаларида 289 нафар мол дўхтури ишлаши керак бўлгани ҳолда 155 киши ишламоқда, уларнинг ҳам фаоллари кам. Боз устига, молларни даволаш учун зарур дори-дармонлар етишмайди, мутахассисларга хизмат нақлиёти берилмаган.

Янгийўл районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида ўтказилган Тошкент вилояти ветеринария ходимлари кенгашида ана шулар ҳақида сўз борди. Мутахассислар ўзаро тажриба алмашиб, соҳадаги аҳволни ўнглашнинг аниқ тадбирларини белгилаб олдилар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАКТУБЛАРДА ЭЛ ОВОЗИ

ЖАРЛИКДАН УЗОҚЛАШАЙЛИК

Француз файласуфи Монтескье «Энг ёвуз зўравонлик — қонун соясига беркиниб, адолат байроғи остида иш кўради» деган. «Халқ сўзи»нинг 1991 йил 8 июнь сонида босилган «Жарлик» сарлавҳали мақолада бугунги куннинг энг долзарб мавзуси кўтарилди.

Бу масалани республикамиз жамоаси, раҳбарлари, халқ депутатлари сира кечиктирмасдан ҳал этишлари даркор. Бугунги ночор иқтисодиётимиз шароитида шимолий республикалардан Узбекистонни панох қилиб, яшаш жойининг тайини йўқ мингминглаб дайдиларнинг келиши ва улар томониидан етказилаётган моддий-иқтисодий, ахлоқий-маънавий зарарларнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди.

Биз суверен, мустақил давлат пойдеворини қуриш бўсағасида турибмиз. Шундай экан, асл эътиқодимиз бўлган ислом қонунларидан ҳам фойдалансак зарар қилмасди. Шундагина биз яқинлашиб қолган жарликдан узоқлашамиз, ўзимизнинг равон, текис йўлимизга чиқиб олишимиз муқаррар.

Собир ТУРДИҚУЛОВ.

«КУТИБ ОЛИНГ, ҒАФУР ҒУЛОМ БОРАЯПТИ!»

Ҳали ҳам кўпгина ташкилотларда халқимизнинг урф-одатларини мутлақо билмайдиган, тилимизни тушунмайдиган, ҳатто машҳур кишиларимизни танимайдиган кимсалар борлигига ачинасан киши. Яқинда вилоятдаги энг нуфузли идораларнинг биридан «Кутиб олинг, Ғафур Ғулом бораяпти!» деган хабарнома сим орқали олинди.

Билмаганлар ҳангу манг. Шу куни Узбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Ҳамид Ғулом ташриф буюришини биладиганлар эса кулиб қўя қолишди.

Ҳозир ошкоралик даври. Шунинг учун «қош қўяман деб кўз чиқарадиган» айрим кишилар озроқ бўлса ҳам ҳижолат чекишар деган ўйда ушбу воқеани қоғозга туширдик.

И. УСМОНОВ.
Қашқадарё вилояти.

САРОЙ КИМНИКИ?

Ленинград шаҳар телевидениесининг «Бешинчи ғилдирак» кўрсатувида айтилишича Романовлар сулоласининг 300 йиллиги шарафига Амир Олимхон жуда катта маблағ ҳисобига алоҳида сарой ва масжид қурдирган экан. Уни бунёд этишга замонасининг йирик меъморлари жалб қилинганлар. Меъморчиликнинг ноёб намунаси бўлган мазкур иншоот айни пайтда деярли қаровсиз ҳолга тушиб қолган.

Мен бир нарсага ҳайронман: агар сарой Бухоро амири томонидан халқимиз пулига қурилган бўлса, уни қайта таъмир қилиб Узбекистоннинг бу шаҳардаги маданият, иқтисод ва савдо марказига айлантирилса бўлмайдими? Маълумки ҳозирги кунда Ленинград шаҳрида ўн мингга яқин республикамиз фуқаролари доимий ёки вақтинча истиқомат қилишади, яъни ишлайдилар, таълим оладилар!

Истардимки, бу масалага Республика Олий Кенгаши ҳам ўз муносабатини оилдирса.

Абдумажид МАДРАИМОВ.

ФАРМОН ФАҚАТ КАТТАЛАРГАМИ?

Биз Бекобод районидаги Ойбек номли совхозда яшаймиз. Кўп йилларден буён хўжалигимизда планлар ошириб бажарилади. Лекин негадир инсонга ғамхўрлик, шарт-шароит масалалари оғизда қолиб кетмоқда.

Совхоз марказида ичимлик сув йўқ. Одамлар сарсон-саргардон. Директоримизнинг эса парвойига ҳам келмайди. Чунки уйида сув бор-да! Кўчаларимизга қараб бўлмайди. Ахлатхона дейсиз. Меҳнаткашларга қорамол, ем-хашак сотиш ҳақида фармон чиққанига қанча бўлди? Бизнинг хўжалигимизда у фақат бошлиқларга қўл келмоқда. Томорқа масаласида ҳам шу гап. Ишчиларга 10 сотих, директорга бир гектар атрофида. Ишонмасангизлар, текширib кўринглар.

Х. ВАҲОБОВ,
С. АБДУЛЛАЕВ ва бошқалар.

МАКТАБ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Пахтаобод районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигига қарашли Учкўза, Файзиобод, Қутчи, Қизилчек, Тўраобод қишлоқларида яшовчи колхозчиларнинг фарзандлари Абдулла Қодирий номли 19-мактабда ўқишади. Бу билим даргоҳи мослаштирилган бинода жойлашган бўлиб, талабга мутлақо жавоб бермайди. Бунинг устига 1989 йилнинг баҳорида рўй берган сув тошқинидан кейин у янада ночор аҳволга тушиб қолди.

Ўшанда Узбекистон ССР Министрлар Советининг собиқ раиси Ғ. Қодиров табиий офатдан зарар кўрган қишлоқларни кўздан кечириб, янги мактаб қурилишига 1 миллион 300 минг сўм ажратиш ҳақида фармойиш берганди. Халқ депутатлари вилоят совети ижроия комитетининг 1989 йил 3 майдаги 107/9-сонли қарорига биноан эса механизациялашган 10-кўчма колонна қурувчилари 952 ўринли мактаб биносини барпо этишга киришдилар. Бироқ пойдевор учун чуқур қазилгач, улар қаёққадир ғойиб бўлишди.

Мана икки йилдирки қурилишда силжиш сезилмаётир. Мактаб маъмурияти, колхоз бошқаруви ва меҳнаткашларнинг ҳақли талаблари эса ижобатсиз қолмоқда.

Нақотки фарзандларимиз янги ўқув йилини ҳам эски мактабда, вайрона иморатда бошласалар?

А. ОТАБОЕВ,
С. АБДУЛЛАЕВ,
М. ҚОДИРОВ ва бошқалар
(Жами 10 имзо).

Меҳнаткаш хати «Халқ сўзи» назоратида

РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

Бундан икки ой олдин Кармана шаҳридаги касалхонанинг неврология бўлимида даволанишимизга тўғри келди. Назаримизда бу бино ўтган асрдан қолган бўлса керак. Чунки ёмғир ёғди дегунча беморларнинг устига чакка тома бошлайди. Шифокорларнинг топқирлигига ҳам балли: устимизга плёнка ёпиб қўйишарди. Ётган жойингизда овқатланасиз. Ўрнидан қимирлай олмайдиган касаллар ҳам биз билан.

Ҳурматли редакция! Ана шундай шифохона дунёнинг бирон бир бурчагида бормикин?

З. ЖУМАЕВА,
Н. ЖАББОРОВА,
З. ҚИЛИЧЕВА ва бошқалар.

Ушбу шикоят юзасидан қуйидаги жавоб олинди:

«Дарҳақиқат, касалхонамиз эски, неврология бўлимининг биноси эса 1932 йилда қурилган. Шароитимиз ҳам шунга яраша. Айни пайтда бўлимни кенгайтириш мақсадида қўшимча қурилиш ишлари олиб борилаяпти. Уни жорий йилнинг август ойида тугатиш ниятидамиз.

Шундан сўнг ошхона ва касалларга тиббий ёрдам кўрсатиш хоналари алоҳида бўлади.

Қ. АБДУҚОДИРОВ,
Навоий район марказий касалхонаси бош ҳакими.

НАМАНГАНДАН ЭШИТИНГ

ИШЛАШНИ ХОҲЛАГАН ИШ ТОПАДИ

ҲАР сафар «Собиқ байналмилалчилар» бир пиёла чой баҳона узоқ, суҳбатлашишарди. Наманган гурунгда «Байналмилалчи» пойафзал корхонасини очишга келишилди. Ҳозир бу ерда 17 киши ишлаяпти. Улар биринчи галда иогирон жангчиларга, ҳам таъминланган оилаларга пойафзал тикиб беришаяпти.

— Наманган шаҳридаги «Чинор» маҳалласи оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, кўп болали 13 оилага оёқ кийимларини бепул тикиб бердик, — дейди цех бошлиғи, байналмилалчи жангчи Муродилла Алибоев.

Яқинда байналмилалчи ҳунармандларга яна бир қулайлик яратилди: вилоят марказидаги деҳқон бозори ичида маҳсулот сотиш дўкони очилди. Бу йил цех ишчилари 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштиришган.

ҚИШЛОҚБОП КОРХОНАЛАР

ПОП районидаги «Правда» жамоа хўжалигида тегирмон, обжувоз ва мойжувозлар таъмирланиб, ишга туширилди. Кичик корхоналар хўжалик ҳудудида истиқомат қилувчиларга 2 тонна гуруч, 0,5 тоннагача ун ва бир неча килограмм ўсимлик мойини қайта ишлаб бераяпти. Бундай қулайликдан шу райондаги «Ленинград», «Найман», Наманган районидаги «Қизил байроқ» хўжаликлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқда.

ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ ЎЗЛАРИДАН

ЗАДАРЁ районидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг ғишт заводи маҳсулоти харидоргир бўлиб қолди. Корхона атрофдаги аҳолининг эҳтиёжини қондираяпти. Кунига 50 минг дона пишиқ ғишт сотилмоқда.

Яқинда бу ерда оҳак ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Хом ашё қўшни Чуст районидаги норуда материаллар карьеридан келтирилиб қайта ишланаяпти. Цех тўла қувват билан ишлай бошлагач, кунига 20 тоннага етказиб оҳак тайёрланади. Бу эса қурилиш ташкилотлари, якка тартибда иморат қурувчилар эҳтиёжини қоплайди.

Раҳим ТУРДИАЛИ ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қонуни

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонун маҳсулот истеъмол қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб беради.

Ушбу қонуннинг мақсадлари учун қуйидаги тушунчалар ишлатилади:

«маҳсулот» — моллар, ишлар, хизматлар;

«истеъмолчи» — шахсий турмуш эҳтиёжлари учун маҳсулотдан фойдаланадиган, уни сотиб оладиган, буюртираднган ёки сотиб олиш ёҳуд буюртириш ниятида бўлган фуқаро;

«тайёрловчи» — сотиш учун мол ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки ишбилармон фуқаро;

«ижрочи» — истеъмолчи учун иш бажарадиган ёки унга хизмат қиладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки ишбилармон фуқаро;

«сотувчи» — сотиб олиш-сотиш шартномасига мувофиқ истеъмолчига мол сотадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки ишбилармон фуқаро;

«шартнома» — сотиб олиш-сотиш, иш бажариш, хизмат қилиш сифати, муддати, баҳоси ва бошқа шартлари тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ижрочи) ўртасидаги битим;

«давлат стандарти» — ССР Иттифоқининг давлат стандарти, республика стандарти, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, давлат фармакопеяси (дори тайёрлаш, сақлаш ва касалларга ёзиб беришга оид қўлланма ёки қоидалар тўплами) ва дори-дармонлар хусусидаги муваққат фармакопея моддалари;

«меъёрий-техникавий ҳужжатлар» — маҳсулотнинг сифатига қўйиладиган талабларни мустаҳкамлайдиган давлат стандарти, корхона стандарти, техникавий шартлар, техникавий тасвирлар, рецептлар ва бошқа ҳужжатлар.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1-МОДДА. ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар ушбу қонундан ва ССР Иттифоқи ҳамда республикаларнинг ушбу қонунга биноан чиқарадиган қонун ҳужжатларидан иборат.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва шу ҳуқуқларни рўёбга чиқариш воситаси ушбу қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардагина СССР Вазирлар маҳкамасининг ва республикалар ҳукуматларининг қарорлари билан тартибга солиниши мумкин.

ССР Иттифоқи ва республикаларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаши ва уларни ҳимоя қилиш кафолатларини ушбу қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан камайтириши мумкин эмас.

2-МОДДА. ВИР РЕСПУБЛИКАНИНГ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРИНИ БОШҚА РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДА ҚЎЛЛАШ

1. Бир республиканинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлари бошқа республика ҳудудида қуйидаги қоидаларга биноан қўлланилади:

Истеъмолчининг ахборотга, маҳсулот сифатига, тегишли сифатдаги молга айирбошлашга бўлган ҳуқуқларини, шунингдек истеъмолчиларга тегишли сифатда бўлмаган мол сотилган тақдирда ва ишларни бажариш ҳамда хизмат қилиш тўғрисидаги шартноманинг шартлари бузилганида истеъмолчининг ҳуқуқларини амалга оширишдан келиб чиқадиган муносабатларга нисбатан, агар томонларнинг битимида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса келишув содир бўлган жойнинг қонуни қўлланилади;

истеъмолчининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишдан келиб чиқадиган муносабатларга нисбатан, шунингдек тегишли сифатда бўлмаган маҳсулотдан зарар етишидан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан низо кўриб чиқиладиган жойнинг қонуни, истеъмолчининг расмий илтимосига биноан эса — зарар етказилган жойнинг қонуни қўлланилади.

2. Башарти республикаларо битим (шартнома)да бир республика қонунларининг бошқа республика ҳудудида қўлланилиши бошқа қоидалари кўзда тутилган бўлса, республикаларо битим (шартнома) қоидалари қўлланилади.

3-МОДДА. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

Башарти ССР қатнашадиган халқаро шартномада ССР Иттифоқининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларида баён этилганидан кўра бошқа қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади.

II БЎЛИМ. ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ШУ ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

4-МОДДА. МАҲСУЛОТ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Ҳар бир истеъмолчи:

ўз манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишига;

истеъмолнинг кафолатли энг оз даражасига;

маҳсулотнинг сифати тегишлича бўлишига;

маҳсулотнинг хавфсизлигига;

маҳсулот тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олишга;

тегишли сифатда бўлмаган маҳсулот етказган зарарнинг ўрни тўла ҳажмда қопланишига;

судга ва бошқа ваколатли давлат идораларига мурожаат қилишга;

истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотларига бирлашишга ҳақлидир.

5-МОДДА. ИСТЕЪМОЛНИНГ КАФОЛАТЛИ ЭНГ ОЗ ДАРАЖАСИ

1. СССР фуқаролари истеъмолнинг кафолатли энг оз даражасини олишга ҳақлидирлар.

Истеъмолнинг кафолатли энг оз даражаси аҳоли турли гуруҳларининг физиология жиҳатдан энг оз даражасига ва ҳар бир минтақада вужудга келган истеъмол тузилишига мос келадиган озиқ-овқат ва саноат моллари ҳамда хизматлар мажмуини ўз ичига олади.

Истеъмолнинг кафолатли энг оз даражаси ва унинг қиймат миқдори (оила аъзосига тўғри келадиган энг оз жами даромад), уларни тасдиқлаш ва қайта кўриб чиқиш тартиби, шунингдек таъминлаш тадбирлари республикаларнинг қонун ҳужжатларида, халқ депутатлари маҳаллий советларининг қарорларида белгилаб берилади.

Истеъмолнинг кафолатли энг оз даражасини таъминлаш учун иттифоқ-республика ва республика фондлари вужудга келтирилиши мумкин.

2. Меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг истеъмолнинг кафолатли энг оз даражасига бўлган ҳуқуқи уларга меҳнат қилиш ҳуқуқини ва энг оз истеъмол бюджетининг қиймат миқдоридан кам бўлмаган даражада даромадлар олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун шароит яратиб бериш йўли билан таъминланади.

Тўла ҳажмда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган пенсионерларга истеъмолнинг кафолатли энг оз даражаси энг оз истеъмол бюджетининг қиймат миқдоридан кам бўлмаган энг оз миқдорда пенсия тайинлаш йўли билан таъминланади.

Оила аъзосининг жами даромади ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра белгиланган миқдордан кам бўлган фуқароларга истеъмолнинг кафолатли энг оз даражаси оила аъзоси учун белгиланган энг оз жами даромад даражасигача қўшимча пул тўлаш йўли билан таъминланади.

3. Республикаларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия комитетлари:

барча фуқароларнинг оила аъзосига тўғри келадиган энг оз жами даромадга мос келадиган даромадлар учун истеъмолнинг кафолатли энг оз даражаси ҳажмида мол сотиб олиш ва хизматдан фойдаланиш имкониятини таъминлайдилар, бундай имконият бўлмаган тақдирда эса минтақада вужудга келган нархлар билан белгиланган миқдордаги моллар ни сотиб олиш ва хизматдан фойдаланиш учун зарур ҳажмда пул компенсацияси тўлайдилар;

истеъмолнинг кафолатли энг оз даражаси, унинг тузилиши ҳамда моллар ва хизматларнинг вужудга келган нархлари тўғрисида аҳолини мунтазам хабардор қилиб турадилар.

Истеъмолнинг кафолатли энг оз даражаси ҳажмида бемалол мол сотиб олиш ва хизматдан фойдаланиш имконияти бўлмаган айрим республикаларда ва минтақаларда уларни белгиланган меъёрда тақсимлаш вақтинча жорий этилиши, шунингдек фуқароларнинг айрим тоифаларига натура тарзида ёрдам беришнинг турли шакллари қўлланилиши мумкин.

4. Ушбу моддада кўзда тутилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя этилиши истеъмолчилар жамоат ташкилотининг ёки фуқаронинг даъвосига биноан суд тартибида амалга оширилади.

6-МОДДА. МАҲСУЛОТНИНГ ТЕГИШЛИ СИФАТИ

1. Сотувчи (ижрочи) истеъмолчига сифат жиҳатидан меъёрий-техникавий ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартноманинг шартларига, шунингдек мазкур маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари тўғрисида берилган маълумотга мос келадиган маҳсулотни топшириш мажбур.

2. Тайёрловчи моллардан хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлашга мажбурдир.

Шу мақсадда тайёрловчи молларга техникавий хизматни ва уларни созлашни, шунингдек молларни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ва уларни ишлаб чиқариш тўхтатилганидан кейин — хизмат муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган бўлса — 10 йил мобайнида созлаш ва техникавий хизмат учун зарур ҳажмдаги ва турлардаги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни ҳамда савдо ва созлаш тармоғига етказиб беришни таъминлайди.

Мазкур муддатлар мобайнида сотувчи сотувда истеъмолчига зарур эҳтиёт қисмлар бўлишини таъминлашга мажбур.

3. Тайёрловчи ёки сотувчи ушбу модданинг иккинчи бандида кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки тегишли тарзда бажармаслиги натижасида истеъмолчига етган зиён тўла ҳажмда қопланиши зарур.

4. Сотувчи, тайёрловчи, ижрочи тўлов қобилиятини йўқотилганлиги, синганлиги, тугатилганлиги ва унинг фаолияти бошқа ҳолларда тўхтатилганлиги эълон қилиганидан кейин маҳсулотнинг сифати тегишлича бўлмаганлиги оқибатида истеъмолчига етказилган зарарнинг, шунингдек унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зиённинг ўрнини сотувчи, тайёрловчи, ижрочи томонидан қоплаш тартиби ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунларида белгилаб берилади.

7-МОДДА. ТЕГИШЛИ СИФАТДА БЎЛМАГАН МОЛНИНГ СОТИЛИШИ ОҚИБАТЛАРИ

1. Тегишли сифатга эга бўлмаган мол сотилганида, агар унинг камчиликларини сотувчи писанда қилган бўлмаса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра шундай молни тегишли сифатга эга бўлган молга алмаштириб беришни ёки харид нархини шунга мувофиқ равишда камайтиришни ёҳуд молнинг камчиликларини бепул тугатиб беришни ёки камчиликларни тугатиш юзасидан ўзи қилган ҳаражатларнинг ўрнини қоплашни ёҳуд шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Истеъмолчи молга эгалик ҳуқуқи ўзига ўтган пайтдан бошлаб олти ой мобайнида (агар республикаларнинг қонун ҳужжатларида ёки шартномада бундан кўпроқ муддат белгиланмаган бўлса) мол учун кафолат муддатлари ёки яроқлилик муҳлатлари белгиланган бўлса — ана шу муддатлар мобайнида мазкур ҳуқуқларни амалга ошириши мумкин.

2. Кафолат муддатлари меъёрий-техникавий ҳужжатларда ёки шартномада белгилаб қўйилиши мумкин. Яроқлилик муҳлатлари, меъёрий-техникавий ҳужжатларда белгиланади ёки бу муҳлатлар меъёрий-техникавий ҳужжатларда кўзда тутилмаган бўлса, улар шартномада белгилаб қўйилади.

Кафолат муддатлари мол сотилган кундан бошлаб, яроқлилик муҳлатлари эса тайёрланган кундан бошлаб ҳисобланади.

3. Ушбу модданинг 1-бандидан келиб чиқадиган талабларни истеъмолчи ўз хоҳишига кўра молнинг сотувчисига ёки сотувчи вазифасини амалга оширадиган савдо корхонасига тақдим этади.

Сотиладиган молларнинг тоифасига биноан молнинг сотувчиси бўлмаган давлат савдо корхоналари ва матлубот кооперациясининг савдо корхоналари сотувчи олдида ушбу моддадан келиб чиқадиган тегишли савдо тизимининг сотувчи корхоналари мажбуриятларини ижро этиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни бажарадилар.

Мулкчиликнинг бошқа шаклларига асосланган сотувчи савдо корхоналарининг шундай мажбуриятларни ижро этиш билан боғлиқ бўлган вазифаларини улар тузган ҳамда тегишли тонфадаги молларни сотиш билан шуғулланадиган савдо корхоналари ёки сотувчи корхоналар билан тегишли шартнома тузган корхоналар бажарадилар.

Истеъмолчи молни алмаштириб бериш ёки нуқсонларни текинга тугатиш ёҳуд шу нуқсонларни тузатиш учун қилинган чиқимларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида тайёрловчига ёки шу мақсадлар учун тайёрловчи томонидан барпо этилган корхоналарга, ё бўлмаса тайёрловчи корхона тузган шартномага мувофиқ зиммасига тегишли вазифалар юклатилган корхоналарга талаб қўйишга ҳақлидир.

4. Истеъмолчи томонидан ушбу модданинг 1 ва 3-бандларида кўзда тутилган талаблар қўйилганида сотувчи, тайёрловчи (уларнинг вазифасини амалга оширувчи корхоналар) молни истеъмолчидан қабул қилиб олишга мажбурдирлар.

Башарти, молдаги нуқсонлар истеъмолчининг фойдаланиш ёки сақлаш қоидаларини бузиши, бошқа шахсларнинг ёки бартараф этиб бўлмайдиган кучнинг ҳаракати оқибатида вужудга келганини сотувчи, тайёрловчи (уларнинг вазифасини амалга оширувчи корхоналар) исботлаб берсалар, истеъмолчининг ушбу модда 1-бандидан келиб чиқадиган талаблари қондирилмайди. Истеъмолчи молларнинг ишлаб чиқарилишидаги, тузилишидаги, тайёрлаш тартибидаги ёки бошқа тарздаги камчиликларини хизмат муддатлари доирасида, бироқ ушбу модданинг биринчи бандида кўрсатилган муддат тамом бўлганидан кейин аниқлаган тақдирда, башарти молдаги бу камчиликлар у сотилганидан кейин вужудга келганини сотувчи (тайёрловчи) исботлаб бермаса, қондирилиши лозим бўлади.

Истеъмолчи молнинг сифатини текшириш шахсан ёки ўз вакили орқали қатнашишга ҳақлидир.

5. Молларни сотувчига, тайёрловчига (уларнинг вазифасини амалга оширувчи корхоналарга) элтиб бериш ва молларни истеъмолчига қайтариш сотувчи, тайёрловчининг (уларнинг вазифасини амалга оширувчи корхоналарнинг) кучлари ва воситалари билан амалга оширилади.

Мазкур мажбурият ижро этилмаган тақдирда ёки истеъмолчининг истиқомат жойида сотувчи, тайёрловчи (уларнинг вазифаларини амалга оширувчи корхоналар) бўлмаса, молларни элтиб бериш ва қайтариб келтириб бериш истеъмолчи томонидан сотувчи, тайёрловчи (уларнинг вазифаларини амалга оширувчи корхоналар) ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

6. Маҳсулот мавжуд бўлган тақдирда истеъмолчининг алмаштириб бериш тўғрисидаги талаби дарҳол қондирилиши лозим, унинг сифатини текшириш зарур бўлиб қолганида эса — тегишли талаб қўйилган кундан бошлаб, агар республикаларнинг қонун ҳужжатларида ёки томонларнинг битимида бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, 14 кун мобайнида қондирилиши керак.

Маҳсулот бўлмаган тақдирда истеъмолчининг алмаштириб бериш тўғрисидаги талаби тегишли ариза берилган пайтдан бошлаб икки ой муддатда қондирилиши лозим.

Узоқ Шимол районлари ва муддатидан аввал маҳсулот етказиб бериладиган бошқа районлар учун истеъмолчининг мазкур талаби унинг аризасига биноан тегишли маҳсулотнинг шу районларга навбатдаги етказиб берилиши учун зарур бўлган муддатда қондирилиши лозим.

Маҳсулот алмаштириб берилганида кафолат муддати алмаштириб берилган кундан эътиборан янгитдан ҳисобланади.

Сифатсиз молни алмаштириб бериш тўғрисида талаб қўйилганида, агар мазкур моделдаги (марка, тур ва шу кабилардаги) моллари ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса, сотувчи, тайёрловчи (уларнинг вазифаларини амалга оширувчи корхоналар) истеъмолчига бошқа модель (марка, тур ва шу кабилар)даги шунга ўхшаш молни беришга мажбурдирлар, бунда уларнинг нархи ўртасидаги тафовут қайтадан ҳисоб-китоб қилинади.

7. Башартн, истеъмолчи маҳсулотдаги камчиликлар ни бепул тугатишни талаб қилган тақдирда, бу нуқсонлар тегишли талаб қўйилган кундан бошлаб, агар республикаларнинг қонун ҳужжатларида ва томонларнинг битимида бошқа муддатлар белгиланган бўлмаса, 14 кун мобайнида тугатилиши лозим.

Маҳсулотдаги нуқсонларни тугатиш тўғрисида талаблар қўйилган тақдирда ундан фойдаланишнинг кафолат муддатлари истеъмолчи маҳсулотдан фойдалана олмаган вақт миқдорида узайтирилади. Мазкур вақт истеъмолчининг нуқсонларни тугатиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилган кундан бошлаб ҳисобланади.

8. Истеъмолчининг талабига биноан сотувчи, тайёрловчи (уларнинг вазифаларини амалга оширувчи корхоналар) рўзғор техникаси ва транспорт воситаларини тузатиш ёки алмаштириш вақтида фойдаланиш учун унга шунга ўхшаш маҳсулотни текиига бериб қўйишга (элтиб боришга) мажбур.

Тузатиш (алмаштириш) вақти учун ўхшаш маҳсулотни бериб туриш, шунингдек маҳсулот нуқсонларини тузатиш ёки уни алмаштириб бериш тўғрисидаги талабларни бажариш пайсалга солинган тақдирда сотувчи, тайёрловчи (уларнинг вазифаларини амалга оширувчи корхоналар) истеъмолчига маҳсулотни бериш билан айни бир вақтда белгиланган муддатдан ўтказиб юборилган даврнинг ҳар куни учун маҳсулот чакана нархининг бир фоизи миқдорида жарима тўлайди.

9. Истеъмолчининг талаблари ушбу модданинг 6 ва 7-бандларида кўзда тутилган муддатларда бажарилмаган тақдирда истеъмолчи ўз хоҳишига кўра ушбу модданинг биринчи бандидан келиб чиқадиган бошқа талабларни қўйишга ҳақлидир.

Бунда тўланган жарима истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрнини қоплаши керак бўлган маблағ ҳисобига киритилмайди.

10. Сифатсиз маҳсулотни ўша модель (марка, тур ва шу кабилар)даги молга айирбошлашда нарх ўзгарган тақдирда қиймати қайтадан ҳисоб-китоб қилинмайди.

Сифатсиз маҳсулотни нишонлари ўша турдаги, аммо бошқа модель (марка, тур ва шу кабилар)даги молга алмаштиришда, башарти нархлар ўзгарган бўлса, қийматни қайта ҳисоб-китоб қилиш мазкур молларни айирбошлаш пайтида амал қилган нархларга асосланиб иш тутилади.

Шартнома бекор қилинган пайтда маҳсулот нархи оширилган тақдирда истеъмолчи билан тегишли талаб қўйилган пайтдаги маҳсулот қиймати асосида ҳисоб-китоб қилинади, нарх камайтирилган тақдирда эса маҳсулотни харид қилиш пайтидаги қийматига биноан ҳисоб-китоб қилинади.

Шартнома бекор қилинган ёки ишлаб чиқаришдан олиб ташланган маҳсулот алмаштирилган пайтда нарх оширилган тақдирда худди шундай маҳсулот нархи оширилишини ҳисобга олиб, нарх камайтирилган тақдирда — маҳсулотнинг харид қилинган пайтдаги қийматига биноан ҳисоб-китоб қилинади.

11. Маҳсулот тайёрловчи маҳсулотни сотиш билан шуғулланмайдиган савдо корхонасига истеъмолчининг ушбу моддада кўзда тутилган талабларини қондириш билан боғлиқ ҳаражатларни тўла ҳажмда тўлашга, шунингдек савдо корхонасига у қилган сарф-ҳаражатларнинг 10 фоизи миқдорида қўшимча пул тўлашга мажбур.

Маҳсулот тайёрловчининг маҳсулот сотувчи савдо корхонаси бнлан ушбу моддадан келиб чиқадиган ўзаро муносабатларини ССР Иттифоқи ва республикалар қонунлари тартибга солади.

8-МОДДА. ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ МАҲСУЛОТНИ ТЕГИШЛИЧА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТГА АЛМАШТИРИШ ҲУҚУҚИ

1. Башарти сифатли ашёвий маҳсулот шакли, ҳажми, тузилиши, ранги, катталиги жиҳатидан маъқул келмаса ёки бошқа сабабларга кўра, истеъмолчи ундан фойдалана олмаса истеъмолчи шу маҳсулотни харид қилган савдо корхонасида худди шундай маҳсулотга алмаштириб олишга ҳақлидир.

Истеъмолчи маҳсулотни алмаштириб олиш ҳуқуқини амалга ошириши мумкин бўлган муддат республикаларнинг қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Сифатли маҳсулот, агар у ишлатилмаган бўлса, бозоргир кўринниши, истеъмол хусусиятлари, муҳри, фабрика ёрлиғи, шунингдек сотувчи сотилган маҳсулот билан бирга истеъмолчига берган товар ёки касса чеки сақланиб қолган бўлса алмаштириб берилади.

Ушбу моддада кўрсатилган асосларга биноан алмаштирилмайдиган маҳсулотлар рўйхати республикалар ҳукуматлари томонидан тасдиқланади.

2. Истеъмолчи савдо корхонасига мурожаат қилган пайтда сотишда худди шундай маҳсулот бўлмаган тақдирда истеъмолчи ўз хоҳишига кўра шартноманн бекор қилиб, маҳсулот учун тўланган пулни қайтариб беришни талаб қилишга ёки тегишли маҳсулот сотишга келтирилиши биланоқ худди шундай маҳсулотга алмаштириб олишга ҳақлидир.

9-МОДДА. ИШНИ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ДОИР БИТИМ ШАРТЛАРИНИ БУЗИШ ОҚИБАТЛАРИ

1. Агар ижрочи шартнома ўз вақтида бажаришга киришмаса, ёки ишни муддатда тугатиш мумкин бўлмаслиги равшан бўлиб қолган даражада сусткашлик билан бажарса, истеъмолчи ишни бажариш ва хизмат кўрсатишга доир шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

2. Агар ижрочи битим шартларидан чекиниб, ишнинг (хизматнинг) ёмонлашишига йўл қўйса, ёҳуд ишда (хизматда) бошқа камчиликларга йўл қўйса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра мазкур камчиликларни тегишли муддатда бепул бартараф этишни ёки ишдаги (хизматдаги) камчиликларни тугатиш учун қилган зарур ҳаражатларини тўлашни, ёҳуд иш (хизмат) учун ҳақни шунга мувофиқ равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақлидир.

3. Ушбу модданинг 2-бандида кўзда тутилган камчиликларни бартараф қилиш муддатлари битимда уни тузиш пайтида, шунингдек камчиликлар аниқланган пайтда қўшимча равишда белгиланиши мумкин.

4. Ушбу модда 2-бандида кўрсатилган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган тақдирда, шунингдек ишни (хизматни) бажаришни бошлаш ва тугатиш муддатлари ўтказиб юборилган тақдирда ижрочи истеъмолчига ишни (хизматни) қабул қилиш билан бир вақтда башарти республика қонунларида ёки шартномада жариманинг кўпроқ миқдори кўзда тутилмаган бўлса, кечиктирилган ҳар бир кун учун иш ёки хизмат қийматининг (агар буюртма қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса, шу буюртма қийматининг) бир фоизи миқдорида жарима тўлайди. Ундириладиган жарима миқдори иш ёки хизмат (буюртма) қийматидан ошмаслиги керак.

Бажарилган ишдаги нуқсонларни бартараф этиш кечиктирилганлиги учун белгиланган жарима тўланадиган зарар қаторига киритилмайди.

5. Ишда (хизматда) битим шартларидан муҳим чекинишлар ёки бошқа муҳим камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда истеъмолчи шартномани бекор қилишни ва зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Истеъмолчи материалидан тайёрланган маҳсулотда шартномадан жиддий чекиниш ёки бошқа жиддий камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, истеъмолчи ўз ихтиёрига кўра худди шундай сифатли айни шундай материалдан бошқа худди шундай маҳсулот тайёрлаб беришни ёки шартномани бекор қилиб, зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Истеъмолчининг ушбу модданинг 2 ва 5-бандларида кўзда тутилган талаблари ишни (хизматни) бажариш чоғида ва ишни (хизматни) истеъмолчи қабул қилиб олаётган пайтда камчиликлар аниқланган тақдирда, шунингдек кафолатли муддат давомида камчиликлар аниқлаиган тақдирда, бундай муддат белгиланмаган бўлса — қонун ҳужжатларида кўзда тутилган муддатлар давомида қўйилиши мумкин.

Шартномадан чекинишлар ва ишдаги уни қабул қилиб олишнинг оддий усулида аниқланмайдиган бошқа нуқсонлар тўғрисида истеъмолчи бундай нуқсонлар аниқланиши биланоқ ижрочига хабар қилишга мажбурдир.

Кафолатли муддат республикаларнинг қонунлари, меъёрий-техникавий ҳужжатлар ёки шартнома билан белгилаб қўйилиши мумкин.

Кафолатли муддат иш (хизмат)ни истеъмолчи қабул қилиб олган кундан бошлаб ҳисобланади, агар у истеъмолчи айби билан ўз вақтида қабул қилинмаган тақдирда — иш (хизмат)ни бажаришнинг шартномада белгиланган муддатидан бошлаб ҳисобланади.

7. Ижрочининг мажбуриятни бажармаганлик ёки тегишлича бажармаганлик учун белгиланган жаримани тўлаши ҳамда етказилган зарарни қоплаши уни натура ҳолидаги мажбуриятни бажаришдан озод қилмайди.

8. Истеъмолчидан қабул қилиб олинган буюм (материал) йўқолса, бузилса, шикастланса ижрочи ўзининг сифати шунга ўхшаш материалидан шундай сифатли материални истеъмолчига қайтариб беришга (ишни ёки хизматни) бажаришга, қайтариб бериш ижожи бўлмаган тақдирда — буюм (материал) қийматини ва етказилган зарарни икки баравар қилиб тўлашга мажбурдир.

Ижрочи истеъмолчини буюм (материал)нинг йўқолиши, бузилиши, шикастланиши мумкин бўлган алоҳида хусусиятлари ҳақида огоҳлантиришга мажбур.

Башарти илмий ва техникавий билимлар даражаси буюмнинг (материалнинг) алоҳида хусусиятларини аниқлаш имконини бермаган тақдирда ҳам ижрочи масъулиятдан озод қилинмайди.

Ижрочи ишни бажариш ва хизмат кўрсатиш учун қабул қилиб олаётган буюм (материал) қиймати истеъмолчи томонидан шартнома тузиш пайтида аниқланади.

9. Истеъмолчи билан ижрочининг ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш шартномаларига доир ўзаро муносабатларининг ўз характери жиҳатидан ушбу модда амал қилмайдиган ўзига хос хусусиятлари, шунингдек уларни бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик оқибатларининг ўз характери жиҳатидан ушбу модда амал қилмайдиган ўзига хос хусусиятлари, шунингдек уларни бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик оқибатларининг ана шу шартномаларнинг ССР Иттифоқи ва республикалар қонунида белгилаб қўйиладиган айрим турлари тўғрисидаги қоидалар билан белгилаб берилади.

10-МОДДА. МАҲСУЛОТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ

1. Фуқаролар сотиб олинган маҳсулотдан фойдаланиш ёки уни сақлаш белгилаб қўйилган хизмат муддати ёки яроқлик муддати давомида ўз ҳаётлари, саломатликлари ёки мол-мулки учун хавфсиз бўлишига ҳақлидирлар.

Маҳсулотнинг фуқаролар ҳаёти, саломатлиги ёки мол-мулки учун, шунингдек атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишини таъминлайдиган талаблар мажбурий бўлиб, давлат стандартларида белгилаб қўйилиши керак.

Башарти, маҳсулотдан хавф-хатарсиз фойдаланиш ёки уни ташиш ва сақлаш учун маҳсус қоидаларга риоя қилиш зарур бўлса, маҳсулот тайёрловчи (ижрочи) шундай қоидаларни ишлаб чиқишга, сотувчи (ижрочи) эса уларни истеъмолчига маълум қилишга мажбурдир.

2. Давлат стандартларида фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ёки мол-мулки хавфсизлигини, атроф муҳит муҳофаза қилинишини таъминлашга доир талаблар белгилаб қўйилган маҳсулотлар, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлайдиган воситалар учун, агар қонунларда ўзга ҳол кўзда тутилмаган бўлса, мажбурий равишда маҳсулот сифатини тасдиқловчи ҳужжат албатта тўлдирилиши ва сўнгра ана шу талабларга мос эканлиги ҳақида белги қўйилиши керак. ССРда ана шундай маҳсулотнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатсиз ва маҳсулотнинг мазкур талабларга мослигини тасдиқловчи белгисиз сотилиши ва чет эллдан келтирилиши тақиқланади.

Агар фойдаланиш фуқароларнинг ҳаётига, саломатлигига ёки мол-мулкига, шунингдек атроф муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотга хавфсизлик ва атроф муҳит муҳофазаси мажбурий талабларини кўрсатувчи давлат стандартлари бўлмаса, давлат бошқарувининг тегишли идоралари дарҳол ана шундай стандартлар ишлаб чиқилиши ёки жорий этилишини таъминлашга, зарур бўлган тақдирда эса маҳсулот тайёрловчи (сотувчи) маҳсулотни сотишини тўхтатиб қўйишга мажбурдир.

3. Маҳсулотдан фойдаланиш ёки уни сақлаш фуқароларнинг ҳаётига, саломатлигига ёки мол-мулкига зарар етказаётганлиги ёки зарар етказиши мумкинлиги аниқланган тақдирда маҳсулот тайёрловчи (сотувчи) зарар қиладиган сабаблар тугатилгунга қадар бундай маҳсулотни ишлаб чиқаришни (сотишни) тўхтатиб туришга, зарур ҳолларда эса бундай маҳсулотни оборотдан қайтариб олиш ёки истеъмолчидан қайтариб олиш чораларини кўришга мажбурдир.

Агар зарар сабабларини аниқлаш мумкин бўлмаса, маҳсулот тайёрловчи бундай маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб ташлашга мажбур. Маҳсулот тайёрловчи бу вазифаларни бажармаган тақдирда маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, уни оборотдан қайтариб олиш ва истеъмолчилардан чақириб олиш тўғрисида СССР Вазирлар маҳкамаси, республикалар ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия комитетлари ўз ваколатларига мувофиқ қарор қабул қилишлари мумкин.

Маҳсулотни чақириб олиш муносабати билан истеъмолчига етказилган зарарни маҳсулот тайёрловчи (сотувчи) тўла ҳажмда тўлаши шарт.

Ушбу модданинг 2 ва 3-бандларида белгилаб қўйилган талаблар бузилган тақдирда маҳсулот тайёрловчи (сотувчи) маҳсулот сифатини назорат қилувчи давлат идорасининг кўрсатмасига биноан давлат бюджети даромадига, агар қонунда жавобгарликнинг тагин ҳам кўпроқ миқдори белгиланган бўлмаса, сотилган маҳсулот қиймати миқдорида жарима тўлайди.

4. Фойдаланиш маълум муддат ўтгандан сўнг фуқароларнинг ҳаёти, саломатлигига ёки мол-мулкига хавф соладиган маҳсулотга хизмат муддати ёки яроқлилик муддати белгилаб қўйилиши лозим.

Истеъмолчи буюмнинг хизмат (яроқлилик) муддати борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар ҳар қандай жабрланувчининг сифатсиз маҳсулот етказган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи тан олинади.

Истеъмолчининг ҳаётига, саломатлигига ёки мол-мулкига маҳсулотнинг меъёрий-техникавий ҳужжатида кўзда тутилган хизмат муддати давомида, бундай хизмат муддати кўзда тутилмаган бўлса — маҳсулот тайёрланган пайтдан бошлаб ўн йил давомида зарар етган бўлса, бундай зарар қопланиши шарт.

3. Маҳсулотнинг сифатсизлиги оқибатида кафолатли муддат ёки яроқлилик муддати давомида, бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, ушбу қонуннинг 7 моддаси 1-бандига мувофиқ белгиланган муддат давомида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни жабрланувчи ана шу маҳсулот сотувчисига ёки уни тайёрловчисига қўйиши мумкин.

Кафолат муддати ўтгандан сўнг маҳсулотнинг сифатсизлиги оқибатида етказилган зарарни ана шу маҳсулотни тайёрловчи тўлаши керак. Иш ва хизмат камчиликлари оқибатида етказилган зарарни ижрочи тўлаши керак.

4. Сотувчи, тайёрловчи, ижрочи башарти зарар истеъмолчи маҳсулотдан фойдаланиш ёки сақлаш қоидаларини бузганлиги оқибатида юз берганлигини исботлаб берсалар, улар жавобгарликдан озод этиладилар.

Маҳсулот тайёрловчи, ижрочи ва сотувчининг маҳсулот тайёрлаш, ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун фойдаланган материаллар, ускуналар, приборлар, асбоблар зарарли ҳусусиятларини билмаганлиги уларни фуқаролар ҳаёти, саломатлиги ёки мол-мулкига етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилмайди.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда.)

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчига корхона сотаётган маҳсулотлар билан савдо қилиш қоидалари, хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари тўғрисида етарли даражада тўла, ишончли ва кўргазмали ахборот беришга ҳам мажбурдир.

2. Ушбу модданинг биринчи бандида кўзда тутилган ахборот маҳсулотга қўшиб юборилади техникавий ҳужжатларда, шунингдек маҳсулотни тайёрлаш вақти ва сотиш вақти кўрсатилиб белги қўйиш орқали ёки хизмат кўрсатишнинг айрим соҳаларида қабул қилинган ўзга усуллар билан истеъмолчига хабар қилинади.

Вақт ўтиши билан истеъмол хусусиятлари ёмонлашадиган озиқ-овқат маҳсулотларида, дори-дармонларда, пардоз буюмлари ва бошқа маҳсулотларда (улар жойлаштирилган қутиларда) яроқлилик ва сотиш муддатлари ҳам кўрсатилиши керак.

3. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш тамғаси бўлиши лозим, ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Ишлаб чиқариш тамғасида тайёрловчининг номи, унинг қаерда жойлашганлиги, тайёрланган маҳсулот мос келиши лозим бўлган меъёрий-техникавий ҳужжат белгиси кўрсатилиши керак.

Ҳуқуқий шахсни ташкил этмай ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаро томонидан тайёрланган маҳсулотда ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, талаблари мазкур маҳсулотга нисбатан қўлланилиши шарт бўлган давлат стандарти кўрсатилган ёрлиқ бўлиши керак.

4. Агар сотилаётган маҳсулот тўғрисида нотўғри ёки етарли даражада тўла бўлмаган маълумот бериш:

истеъмолчи учун зарур хусусиятларга эга бўлмаган маҳсулот харид қилишига олиб келса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир;

сотиб олинган маҳсулотни кўзда тутилган мақсадда фойдаланиш имконини бермаса, истеъмолчи оқилона қисқа муддатда мазкур маълумотни тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир. Агар кўрсатилган муддатда ахборот тақдим этилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир;

истеъмолчининг саломатлигига, ҳаётига ёки мол-мулкига зарар етса, у сотувчига (маҳсулот тайёрловчига, ижрочига) ушбу қонуннинг 11-моддасида кўзда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

5. Ҳалол реклама қилмаслик натижасида сотиб олинган маҳсулот истеъмолчига етказган зарар реклама берувчи томонидан тўла ҳажмда тўланиши шарт.

6. Истеъмолчининг маҳсулот тўғрисида нотўғри ёки етарли даражада тўла бўлмаган ахборот бериш ёки ҳалол реклама қилмаслик натижасида кўрган зарарини қоплаш ҳақидаги талабини кўриб чиқиш чоғида истеъмолчида харид қилинаётган маҳсулот хусусиятлари ва тавсифлари тўғрисида махсус билим йўқ деган тасаввурга асосланиш зарур.

14.МОДДА. ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ САВДО ҲАМДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ

1. Барча фуқароларнинг савдо ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари соҳасида уларнинг эҳтиёжи қондирилишига бир хил ҳуқуқли эканлиги тан олинади. Истеъмолчилар ҳуқуқлари бевосита ёки билвосита қандайдир чекланилишига йўл қўйилмайди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги фуқароларга савдо ҳамда хизмат кўрсатишнинг бошқа турларида ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида белгиланган тартибда имтиёзлар ва афзалликлар берилиши мумкин.

2. Истеъмолчи маҳсулотлар ва хизматларни эркин танлаб олиш ҳуқуқига эгадир.

Сотувчи (ижрочи) маҳсулотни эркин танлаб олишда истеъмолчига ёрдам беришга мажбур.

Истеъмолчи сифатсиз маҳсулотни сотиб олишга ёки унга керак бўлмаган турдаги маҳсулотни сотиб олишга мажбур қилинган тақдирда сотувчи (ижрочи) истеъмолчи олдида ушбу қонуннинг 15-моддасида белгилаб қўйилган тарзда жавобгар бўлади.

3. Истеъмолчи харид қилаётган маҳсулотнинг ишлашини, бутлигини, вазнини, ўлчовлари ва нархини текшириш ҳуқуқига эгадир. Шу мақсадда сотувчи (ижрочи) унга зарур назорат — ўлчов приборларини, маҳсулот нархи тўғрисидаги ҳужжатларни беришга, уни ишлатиб кўрсатишга, шунингдек маҳсулотдан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш йўлларини ўргатишга мажбурдир. Сотувчи (ижрочи) шу мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тегишлича ижро этмаганлиги учун ушбу қонуннинг 13-моддаси 4-бандига мувофиқ истеъмолчи олдида жавобгар бўлади.

4. Савдо ҳамда хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари соҳалари корхоналарида истеъмолчининг ўзга ҳуқуқлари бузилган тақдирда сотувчи (ижрочи) ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилганидек жавобгар бўлади.

15-МОДДА. ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИНИ КАМСИТУВЧИ БИТИМ ШАРТЛАРИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ

Битимнинг ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида белгиланганига нисбатан истеъмолчи ҳуқуқларини камситувчи шартлари ҳақиқий ҳисобланмайди. Агар истеъмолчи ҳуқуқларини камситувчи битим шартларини қўлланиш натижасида унга зарар етказилган бўлса, бу зарарни маҳсулот тайёрловчи (ижрочи, сотувчи) тўла ҳажмда тўлаши лозим.

16-МОДДА. ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ СУД ЙЎЛИ БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Фуқароларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларида кўзда тутилган ҳуқуқларини суд ҳимоя қилади.

Агар республикаларнинг қонун ҳужжатларида ўзга ҳол кўзда тутилмаган бўлса, даъво даъвогарнинг истиқомат жойидаги ёки жавобгар жойлашган ердаги ёхуд зарар етказилган жойдаги судга берилади.

Фуқаролар истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларда кўзда тутилган ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида берган даъволари юзасидан, агар республикаларнинг қонун ҳужжатларида ўзгача белгиланмаган бўлса, давлат пошлинаси тўлашдан озод қилинадилар.

Суд фуқаро талабларини қаноатлантириш чоғида бундан ташқари сотувчидан, маҳсулот тайёрловчидан (уларнинг вазифаларини амалга оширувчи корхоналардан), ижрочидан давлат бюджети даромадига даъвогарнинг талабларини ихтиёрий равишда қондиришдан бош тортганлиги учун даъво қиймати миқдорида жарима ундириш тўғрисида ажрим чиқаради.

III БЎЛИМ. ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

17-МОДДА. ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

1. Фуқаролар ихтиёрийлик асосида истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотларига бирлашишга ҳақлидирлар, истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари ўз фаолиятини ССР Иттифоқи ва республикалар қонунларига мувофиқ амалга оширади.

2. Истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари:

маҳсулот сифатига талабларни белгилайдиган давлат стандартларини ишлаб чиқишда иштирок этишга;

маҳсулот, нархлар ва тарифларни мустақил экспертиза қилдиришга;

истеъмолчи ҳуқуқлари ҳамда савдо ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари қоидаларига риоя қилинишини текширишга;

марказлаштирилган тартибда белгиланадиган ва тартибга солинадиган нархларни назорат қилишда тегишли давлат идоралари билан биргаликда иштирок этишга;

бошқарув идораларига, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга маҳсулот сифатини яхшилаш, нарх белгилаш қоидаларига риоя қилиш, белгилаб қўйилган сифат талабларига мос келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни тўхтатиб қўйиш, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки, атроф муҳит учун хавфли маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, савдодан олиб қўйиш, ғайриқонуний равишда оширилган нархда маҳсулот сотишни тўхтатиш, шунингдек, амалдаги қонунларни бузган ҳолда белгиланган нархни бекор қилишга доир чора-тадбирлар ҳақидаги таклифларни қўйишга;

нархи ғайриқонуний оширилган ёки белгилаб қўйилган сифат талабларига мос келмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги материалларни прокуратура ва бошқарув идораларига тақдим этишга;

истеъмолчилар жамоат ташкилоти аъзоси бўлмаган истеъмолчиларнинг ССР Иттифоқи ва республикаларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларида кўзда тутилган ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларнинг манфаатларини кўзлаб даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

18-МОДДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

1. Истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари фуқароларнинг топшириғига биноан нуқсонларни бартараф этиш ва шу нуқсонлар фуқароларга етказган зарарни қоплаш тўғрисида даъво билан сотувчига, маҳсулот тайёрловчига (уларнинг вазифаларини амалга оширувчи корхоналарга), ижрочига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Агар сотувчи, маҳсулот тайёрловчи (уларнинг вазифаларини амалга оширувчи корхоналар), ижрочи ўн кун мобайнида эътироз юзасидан жавоб бермаса ёки нуқсонни бартараф этишдан ва етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлашдан бош тортса истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Суд қўйилган талабларни қаноатлантирган тақдирда бундан ташқари сотувчидан, маҳсулот тайёрловчидан (уларнинг вазифаларини амалга оширувчи корхоналардан), ижрочидан тегишли бюджет даромадига даъво қиймати миқдорида жарима ундириш тўғрисида ажрим чиқаради.

2. Истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари сотувчи, маҳсулот тайёрловчи (уларнинг вазифаларини амалга оширувчи корхоналар), ижрочи, шунингдек бошқарув идорасининг истеъмолчилар ноаниқ доирасига нисбатан қилган ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш ва бу ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Суд бундай даъвони қаноатлантирган пайтда ҳуқуқбузар зиммасига суд қарорини у белгилаган муддатда оммавий ахборот воситалари орқали ёки ўзга усул билан истеъмолчиларга етказиш мажбуриятини юклайди.

Сотувчи, маҳсулот тайёрловчи (уларнинг вазифаларини амалга оширувчи корхоналар), ижрочининг истеъмолчилар ноаниқ доирасига нисбатан қилган ҳаракатларини ғайриқонуний ҳисоблаш тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори истеъмолчининг уларнинг ана шу ҳаракатлари юз берганлиги ёки юз бермаганлиги, бу ҳаракатларни мазкур шахслар содир этганлиги ёки этмаганлиги масалалари юзасидан уларнинг ҳаракатлари гражданлик-ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги давосини кўриб чиқаётган суд учун мажбурийдир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 22 май.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши қарор қилади:

1. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР қонуни 1992 йил 1 январдан кучга киритилсин.

2. ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунлари «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқлаштириб олингунга қадар ССР Иттифоқи ва республикаларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади, чунки улар мазкур қонунга зид эмас. Шу билан бирга, ССР Иттифоқи ҳукуматининг ва республикалар Вазирлар кенгашларининг мазкур қонун кучга киритилгунча чиқарилган ҳамда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР қонунига биноан фақат қонун ҳужжатлари билан ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга оид қарорлари тегишли қонун ҳужжатлари қабул этилгунга қадар амал қилаверади.

3. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР қонуни мазкур қонун кучга киритилгандан кейин вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади. 1992 йил 1 январгача вужудга келган ҳуқуқий муносабатлар юзасидан мазкур қонун у кучга киритилгандан кейин вужудга келадиган ҳуқуқларга ва мажбуриятларга нисбатан қўлланилади.

4. СССР Вазирлар маҳкамаси:

амалдаги қонун ҳужжатларини «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқлаштириб олишга оид, шунингдек мазкур қонунга мувофиқ зарур бўлган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул этиш тўғрисидаги таклифларни уч ой муддатда СССР Олий Кенгашига тақдим этсин.

1992 йил 1 январгача:

СССР ҳукуматининг қарорлари ва фармойишларини «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқ ҳолга келтирсин;

вазирликларнинг ва бошқа марказий бошқарув идораларининг мазкур қонунга зид бўлган меъёрий ҳужжатлари қайтадан кўриб чиқилишини ва бекор қилинишини таъминласин;

қонуннинг қоидаларини амалда рўёбга чиқаришни таъминлаш юзасидан зарур қарорлар қабул қилсин;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан зарур тарзда ҳимол қилинишини амалга оширадиган тегишли тузилмаларни вужудга келтириш тўғрисидаги таклифларни СССР Олий Кенгашига тақдим этсин.

5. Истеъмолчиларнинг тегишли сифатдаги маҳсулотга бўлган ҳуқуқларини амалий равишда таъминлашнинг биринчи галдаги мақсадларига асосланиб, СССР Вазирлар маҳкамаси 1991 йилнинг иккинчи ярмида:

фуқароларнинг истеъмолнинг кафолатли энг оз даражасига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш юзасидан;

мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг хавфсизлик ва экологик софлик талабларига мувофиқлиги хусусида мажбурий шаҳодатномани босқичма-босқич жорий этиш юзасидан;

фуқароларнинг ҳаётига, соғлигига ёки мол-мулкига, атроф муҳитга хавф соладиган сифатсиз маҳсулотнинг СССРга келтирилишига йўл қўймаслик юзасидан;

маҳсулот тайёрловчи, ижрочи, сотувчи тўлов қобилиятини йўқотганлиги эълон қилинганидан кейин, улар синган, тугатилган тақдирда ва уларнинг фаолияти бошқа ҳолатларда тўхтатилган тақдирда тегишли сифатга эга бўлмаган маҳсулот етказган зарарнинг шунингдек истеъмолчи ҳаётига, соғлигига ёки мол мулкига етган зиённи истеъмолчига тўлаш тартибини белгилаш юзасидан зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширсин.

6. Республикаларнинг Олий Кенгашларига истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиб, 1991 йилда қабул этишни тезлаштириш, шунингдек амалдаги қонунларни мазкур ҳужжатларга ва «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқ ҳолга келтириб олиш таклиф қилинсин.

7. СССР Олий суди истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишнинг мавжуд тажрибасини ўрганиб, истеъмолчиларнинг аризаларини суд да кўриб чиқишнинг белгиланган тартибини соддалаштиришга, судларга бу соҳадаги баъзи масалаларни якка ёлғиз ҳал этиш ваколатларини беришга оид зарур таклифларни икки ой муддатда ишлаб чиқиб, СССР Олий Кенгашига тақдим этсин.

8. СССР Вазирлар маҳкамаси, СССР Олий суди ушбу қонунни қўллаш тажрибасини умумлаштирсинлар ва унга баъзи аниқликларни киритишга оид таклифларни 1993 йилнинг 1 мартигача тақдим этсинлар.

9. Ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш СССР Олий Кенгашининг Умумиттифоқ истеъмол бозори комитети, Иттифоқ кенгашининг Меҳнат ва ижтимоий сиёсат комиссияси, СССР Олий Кенгашининг Саноат ва энергетика комитети, СССР Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот масалалари комитети зиммасига юклатилсин.

СССР Олий Кенгашининг раиси А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 22 май.

Саратон кирган бўлсада, тафтига ололмаяпти. Ўлкамизга хос бўлмаган салқин об-ҳаво ҳукмрон бўлиб турибди. Лекин боғларимиздаги ноз-неъматлар ғарқ пишиб дастурхонимизни тўкин қилди. Фарғона вилояти Бувайда районидаги «Октябрь» жамоа хўжалиги боғларида бўлган киши ҳосилнинг мўллиги, заминимизнинг саховатига таҳсинлар айтади. Бу ерда боғбонлар меваларни йиғиб-териб, пешма-пеш консерва цехига жўнатмоқдалар.

СУРАТДА: ўрик теришда намуна бўлаётган илғор колхозчи Малоҳат Очилдиева.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

Янги техника

ТЕЖАМЛИ, УНУМЛИ, СИФАТЛИ

Қишлоқ хўжалигида қатор йиллар сурункасига кимёвий дориларнинг қўлланиши салбий оқибатларга олиб келди. Тупроқда, ўсимликларда ҳаёт кечирадиган фойдали ҳашаротлар, қушларнинг айрим турлари бундай зарбага чидай олмасдан кирилиб кетди. Экологик муозанатнинг бузилиши заararкунандаларни баттар авж олдирди. Бу эса экинларни ҳимоя қилиш учун тобора кўп-роқ заҳарли дорилар ишлатишни тақозо этмоқда.

Табиат заҳарга тўйинмоқда. Иш шу йўсинда борса, тез орада Орол фожиасига ўхшаш фалокат рўй бериши мумкин.

Заҳарли дорилар кўп миқдорда ишлатилаётгани устига ҳозир кенг қўлланилаётган пуркагичлар замон талабига мос эмас, номукаммал.

Шуни ҳисобга олиб Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари пахтачилик машиналари бўйича махсус конструкторлик бюроси ходимлари иштирокида ОШХ—12—4 маркали пуркагич яратдилар. Шу соҳада жаҳонда қўлга киритилган ютуқлар, бундай машиналарни республика шароитида ишлатиш чоғида аниқланган нуқсонлар, минтақанинг ҳозирги экологик шароити ҳисобга олинди.

Дефолиация пайтида ОШХ—12—4 маркали пуркагич ОВХ—28А га нисбатан суани 8 баравар ёки гектарига 400 литр ўрнига 50 литр, магний хлоратини эса 2 ҳисса кам сарфлаганн ҳолда пуркалган дориор ғўза барглари ва 3 баравар кўп ўтириб қолади. Бу эса сепилган дориор самарадорлигини ошириб, заҳарнинг тупроққа тушишини камайтиради. Пуркагичнинг афзаллиги шуки, у бир вақтнинг ўзида дориорни ғўзанинг устки ва остки қисмига пуркайди. Бунда зараркунанда ва ҳашаротлар ғўза барглари орқасига яширинib жон сақлаб қололмайдилар.

Яқинда Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида янги пуркагични ўрганиш бўйича кенгаш бўлиб ўтди ва олимлар, конструкторлар, фойдаланувчилар ўртасида кенг мунозара уюштирилди. Пуркагичнинг афзалликлари қайд этилиши билан бирга дала шароитида ишлатилганда юз бериши мумкин бўлган нуқсонларга ихтирочилар эътибори қаратилди.

Янги пуркагични «Узбексельмаш» бирлашмасида ишлаб чиқариш мўлжалланган. Аммо бу заводдагилар ОШХ—12—4 пуркагичига 1000 га яқин буюртма олган бўлишларига қарамай уни ишлаб чиқаришга шошилмаётирлар.

Н. ҲАЙДАРОВ,
«Узинформагропром» тармоқ ахборот ва илмий-техникавий ахборотлар республика маркази ходими.

КЎЗЛАРДА ҲАМОН ЁШ

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ БОШЛАНГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Рузвон момо бу йил саксонни қоралади. Ҳали тетик кўринса-да, лекин ғам-алам, ҳаёт ташвишлари юзида ўз изларини қолдирган.

Момо 1943 йил баҳорида урушга кетган, кейинчалик бедарак йўқолган турмуш ўртоғи Раҳим акани ҳамон кутади. Ярим асрдики, кўзлари йўл пойлайди. Аҳён-аҳёнда айтиб-айтиб йиғлаб, юрагини бўшатади.

Германда қолди болаларнинг отаси
Мен йиғламай, ким йиғласин,
вой дарий.
Ado бўлди юракларим оҳ-ноласиз
Мен йиғламай, ким йиғласин,
вой дарий.

Ҳа, ўша 1941 йил 22 июнда бошланган урушнинг жабрини тортмаган, жароҳатланмаган бирон-бир хонадон, оила қолмаганди. Миллионлаб кишилар майиб ва маҳруҳ бўлдилар, ўз тутишганларидан, болалар оталаридан, Рузвон момо сингари қалби пок, муштипар, вафодор аёллар ҳаёт лаззатларига тўймай туриб, умр йўлдошларидан айрилдилар. Бу уруш 27 миллион совет кишисининг ёстиғини қуритди.

Унинг дастлабки йиллари жуда оғир келди. Тиш-тирноғигача қуроллангган, урушга астойдил тайёргарлик кўрган Германиянинг қўли баланд эди. Юз минглаб кишилар асир олиндилар. Миллионлаб кишилар қурбон бўлдилар. Фашист газандалари Москва, Ленинград, Сталинград, Кавказгача кириб бордилар.

Урушдан кейин дунёга келган авлод, айниқса ҳозир олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар Улуғ Ватан уруши мавзусида маърузалар ўқилганда «Афсонавий Қизил Армия нима сабабдан чекинди?», «Ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақидаги совет-герман шартномаси имзоланган бўлса, нега уруш бошланди?», «Нима сабабдан фашистлар армиясининг мамлакат ичкарисига кириб боришига, марказий шаҳарларни босиб олишига йўл қўйилди?» деган саволларни кўп беришади. Буларга ярим аср давомида ҳар ким ўз билганича жавоб қилиб келди.

Мамлакатимизда қайта қуриш бошланиб, ҳаётимизда демократия ва ошкоралик ҳукм сургач, КПСС XX съезди ҳужжатлари матбуот саҳифаларида пайдо бўлгандан кейин олимларимиз, институтлару университетларнинг тарих ўқитувчилари янги манбаларга эга бўлдилар.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки давридаги мағлубиятларнинг турли-туман сабабларини энди тушуниб этмоқдамиз. СССРнинг 1939—1941 йиллардаги ташқи сиёсати, сталинча якка раҳбарлик тарихимизда ёритилмаган қоқ доғлар бўлиб, у эндигина ўрганилмоқда.

1939 йил 1 сентябрда умумий ҳарбий хизмат жорий этилиши натижасида армияни кадрлар билан тўлдириш анча яхшиланди. Улар сони 1,9 миллиондан 5,4 миллион кишига етди. Ҳарбий саноат тез суръатлар билан ривожлантирилди. Уруш бошланган пайтда армия мамлакатдан 7.000 дан ортиқ танк, 1.745 та жангговар самолёт, 29.637 та оғир артиллерия, 52.407 та миномёт олди. Давлат бюджетидан ҳарбий харажатларга ажратилган маблағ 1939 йилдаги 29,6 фоиздан 1941 йилда 43,4 фоизга кўпайтирилди. Армияда ҳарбий тайёргарлик ишлари ва бошқа мудофаа тадбирлари амалга оширилди.

Лекин фашистлар Германияси Совет Иттифоқига тўсатдан ҳужум бошлаб, жуда тез фурсатда шимолдан то жанубгача — Баренц денгизидан Қора денгизгача 3,5 минг километр масофани эгаллаб олди, унинг ихтиёрида 5,5 миллион кишилик армия, 47 мингта артиллерия ва миномёт, 4.300 дан ортиқ танк, 5 минг жангговар самолёт бор эди. Ҳудди ўша пайтда СССРнинг ғарбий чегара ҳарбий округларида душманга қарши учта ҳарбий флот, 37,5 мингта оғир артиллерия ва миномёт, 1.470 та янги типдаги танк, 1.540 та жангговар самолёт ва асосий классдаги 182 та ҳарбий кема бўлиб, уларда 2,9 миллион киши хизмат қиларди.

Дастлабки муваффақиятсизликларнинг сабаблари нимада?

Уруш арафасида мамлакат ичкарисида бошланган партия, совет, хўжалик раҳбар ходимлари ва ҳарбий кадрларга қарши оммавий қатағонлик, айниқса, Қизил Армияни заифлаштириб қўйди. Команда таркибининг энг яхши намояндалари, олий малакали ҳарбий мутахассислардан катта қисми, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, фуқаролар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси йилларида қон қечиб жанг қилган йирик саркардалар М. Н. Тухачевский, А. И. Егоров, В. К. Блюхер, И. П. Уборевич, И. Э. Якир ва бошқалар ноҳақлик қурбони бўлдилар.

Қатағонлик бутун армиянинг 50 фоизини қамраб олди. Полк, дивизия, бригада, корпус командирлари, ҳарбий округ қўмондонлари, ҳарбий кенгаш аъзолари, ҳарбий комиссарлар, ўрта ва олий ҳарбий ўқув юртлари ўқитувчилари, флотдаги малакали кадрлардан 50 минг киши қамоққа олинган эди. Бу эса армияда кадрларнинг бирданига камайиб кетишига, Совет Қуролли Кучларида ҳарбий мутахассислар муаммо бўлишига олиб келди. 1941 йилда қуруқликдаги қўшинларда штатлар бўйича 66.900 командир етишмасди, 70—75 фоиз командирлар ва сиёсий бошлиқлар ўз вазифаларида бир йилдан ошиқ ишламас эдилар. Ҳатто бош штаб бошлиғи вазифасида ишлаган ҳарбий саркардалар Б. М. Шапошников, К. А. Мерецков ва Г. К. Жуков ҳам бир йилга етар-етмай ўзгартирилган эдилар. Командир кадрлар таркибида жангговар маҳорат, ҳарбий тайёргарлик етишмасди.

Уша кезларда кенг авж олган оммавий қатағонлик оқибатида армияли етарли ўзлаштириб улгурмаган эди. Масалан, тарихий статистика маълумотларига кўра, уруш бошланган пайтда янги ҳарбий самолётларни бошқаришни 10 фоиз учувчиларгина билардилар, холос.

Урушда фашистлар Германияси энг замонавий танклардан, жангговар самолётлардан фойдаланаётганини кўрган совет мутахассислари моторлашган ҳарбий-техник корпус ва ҳаво кучлари тузиш кераклигини тушуниб етдилар.

Германия СССРга қарши уруш бошлаш учун чегарада катта куч тўплаётганда баъзи ҳарбий округларнинг қўмондонлари маршал Р. Я. Малиновскийга мурожаат қилиб, қўшинларни жангговар ҳолатга келтириш ва чегарага яқин тўплашга рухсат сўрашганда ҳам И. В. Сталин бунни провоцирлик деб ҳисоблади, таклифни эътиборсиз қолдирди.

Йўл қўйилган хатоларни уруш давомида тузатиб боришга тўғри келди. Бутун мамлакат ҳарбий ҳолатга кўчирилди. «Ҳамма нарса фронт учун, фашистлар Германияси устидан қозонилажак ғалаба учун» шиори совет халқи қаётининг мазмунига айланди. Ниҳоят, ғалаба қозонилди! Инсоният бошига кўп кулфатлар солган фашизм ўз уясида янчиб ташланди.

Улуғ Ватан урушн йилларида Ўзбекистоннинг ғалабани яқинлаштиришга қўшган ҳиссаси жуда катта бўлди. Юз минглаб ўғлонларимиз жанг майдонларида жасорат кўрсатиб, фашистларни қон қақшатдилар. Республикамиз фронтга моддий жиҳатдан — хом ашё, кийим-кечак, озиқ-овқатдан муттасил ёрдам бериб турди. Уруш бораётган минтақаларден кўчирилган болалар, кексалар, аёлларни ўз бағрига олди, бошпана берди, борини улар билан баҳам кўрди. Неча ўнлаб ҳарбий корхоналар мисли кўрилмаган тез фурсатда ишга тушириб, фронт эҳтиёжлари учун техника, қурол-яроғ, ўқ дори етказиб бериб турди. Уруш йиллари Ўзбекистон намойиш этган фидокорлик, қаҳрамонлик, ватанпараварлик фазилатлари тарих саҳифаларида абадий муҳрланиб қолган.

И. В. Сталин, унинг атрофидагилар йўл қўйган хатолар миллионлаб кишилар бошига азоб-уқубатлар солди, кўп қурбонлар берилди. Бу хатогина эмас, балки жанггоҳларда шаҳид бўлганлар, этим-асирлар, юз минглаб ногиронлар олдидаги катта жиноятдир.

...Момонинг кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш.

— Болаларим, уруш даҳшатини биз кўрдик, сизлар кўрманглар илойим, — дейди юзига фотиҳа тортиб.

Муҳаммаджон УРМОНОВ,
Тошкент давлат олий техника университети тарих кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоди.

1991 Алишер Навоий йили

ЁДЛАБ ОЛИНГ

ТОҒ ИЧРА АЖАБ ШОҲДУР УЛ ШЕФТАҲОЛ,
КИМ ТОПСА БУЛОҒЕ СУЙИ АНДОҚКИ ЗУЛОЛ.
БОШИ УЗА ЧАТРИ САЛТАНАТ ҲАР ЯНГИ ТОЛ,
СУ ИЧКАЛИ ЖОМИ АЙШИ БИР ЭСКИ САФОЛ.

АВВАЛ ЎРГАНИБ, СЎНГ ЎРГАТИШАДИ

РЕСПУБЛИКА ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти қошида «Янги ахборот технологияси» кафедраси ташкил этилди. Унинг мақсади ўрта мактаблардаги компьютерли синфхоналарда ўрнатилган ЭҲМ машиналари учун янги ўқув программалари яратиш, ўқувчиларга бу усулда сабоқ беришни кенг жорий этиш, турли соҳа олимлари, мутахассислари, ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилишдир.

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг АҚШга қилган сўнгги сафарида халқ таълимини ривожлантириш бўйича давлатлараро битим имзоланганди. Аҳдлашувга кўра Американинг «Ай-би-эм» фирмаси мактабларимизни шахсий компьютерли синфхоналар билан таъминлаши керак эди. Фирманинг жаҳон бозорида харидоргир, катта ҳажмдаги ахборотларни тез, аниқ қайта ишлайдиган машиналарининг катта туркуми республикамизга келтирилди. Институтда ҳам шу машиналардан бир нечтаси ўрнатилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган «Ямаха», «КУВА-86», «Агат-9», «Парвец-8А» каби компьютер аппаратлари ҳам тезкорлиги, қулайлиги жиҳатидан хорижликларникидан қолишмаяпти. Республикамиз пойтахтидаги «Алгоритм» заводида «Тошкент ўқув синфи», кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида «Осиё» аталувчи компьютер синфлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ўқувчиларга ЭҲМ ёрдамида сабоқ бераётган ўқитувчининг саводхонлигидан ташқари, техникани ишлатишга ўқуви, малакаси бўлиши лозим. Ана шундагина ўқувчиларнинг илм ўрганишларида самара бўлади.

Шундай экан, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти жамоасининг бу борада олиб бораётган ишлари хайрлидир. Навбатдаги ўқув йили бошлангунча юзлаб ўрта мактаб ўқитувчилари компьютерларни ишлатиш сирларидан воқиф бўладилар.

И. ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲАМ ДОРИ, ҲАМ ОЗУҚА

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академиясининг Усимлик моддалари химияси илмий тадқиқот институти олимлари гидролиз заводлари чиқиндиси — лигнинни қайта ишлаш йўли билан «Рослин» препаратини яратишди. Экишдан олдин уруғларга (айниқса чигитга) шу дори билан ишлов берилса, қисқа фурсатда бехато ўниб чиқади, илдиз чириш, фильт касалликларига чалиниши кескин камаяди, амал олиши тезлашади, барвақт ҳосилга киради. Ғўзанинг шоналаши, гуллаши, кўсак олиши ва очилиши ҳам тўрт-беш кун олдинга сурилади, қосилдорлик одатдагига қараганда уч-тўрт центнер юқори бўларкан.

— Чиқинди — лигниндан истеъмолбоп ёғларни тозалашда қўлланадиган сорбатлар тайёрлаш борасидаги тадқиқотимиз ҳам ачимини топди, — дейди лигнинлар химияси лабораториясининг мудири, химия фанлари доктори, профессор Ҳаким Абдуазимов. — Бу сорбатлар алькоголсиз ичимликлар комбинатлари, пиво заводларининг оқава сувлари, барда ва ишлатилган ачитқилар таркибидаги оқсил моддаларни ажратиб олишда ҳам қўл келмоқда. Бу моддалар таркиби аминокислоталар, ёғлар, қандлар ва турли хил витаминларга бой бўлганлиги туфайли улардан паррандачилик комплексларида озуқа сифатида фойдаланяпти.

Т. ИСМАТОВ.

Шўх ўйнасанг ярашади
Хоразмнинг лазгисина...
Еркин БОТИР олган сурат-лавҳа.

РУДАКИЙ СИЙМОСИ ГАВДАЛАНАДИ

ЎТГАН йили «Узстройпроект» лойиҳалаш институтининг Самарқанд бўлими ходимларидан бир гуруҳи шаҳарда Абу Абдулло Рудакий ҳайкалини ростлаш ташаббуси билан чиқдилар. Бу таклиф «Ҳақиқати Ўзбекистон» рўзномасида мактуб тариқасида берилганди. Республикамиз ҳукумати ўзбек ва тожик халқлари меҳру муносабатини кучайтиришга хизмат қиладиган ушбу таклифни хайрли деб топди ҳамда маъқуллади.

Самарқанд шаҳар совети ижроия комитети бу ҳаракат ижросини таъминлаш мақсадида «Рудакий жамғармаси» ташкил этишга қарор қилди. Шаҳарда СССР Агросаноат давлат банки қошида 000700863 рақамли жамғарма ҳисоби очилди. Айни пайтда ҳар иккала республикадаги Рудакий ихлосмандлари ушбу ҳисобга баҳолу қудрат маблағ қўчирмоқдалар.

Ҳадемай ҳайкални тайёрлаш ва ростлаш сарф-ҳаражатини кўтарадиган даражада хайрқорлик маблағи тўпланишига шак-шубҳа йўқ.

Холмуҳаммад НУР,
«Халқ сўзи»нинг ўз мухбири.

Фельетончи сўз сўрайди

НАФСДАН УЛУҒ БАЛО БЎЛМАС

Силоқий пора истар,
Муяла ҳажора истар,
Бечора чора истар,
Бир чора замон борму!
Аваз ЎТАР ўғли

Яшаш қийин бўлиб қолди. Лекин барчага эмас...

Уч ҳамкасб тушликка чиқдик. Маслаҳатлашиб, Тошкент шаҳри ўртасида жойлашган истироҳат боғидаги чойхонада тамадди қилмоқчи бўлдик. У барқ экан. Шу жойда сомсахона ҳам бор эди. «Сомса еб кўя қолайлик» деган фикрга келдик. Йўқ, аллақачон тамом бўлган экан. Фақат «Баҳоси 61 тийин» сўзлари ёзилган бир парча қоғоз қолибди. Номигагина гўшт солиб пишириладиган таомнинг нархи ҳам еттинчи осмонга чиқиб кетибди-я!

Сал нариги ошхонага бош сўқдик. Нархи бир неча баравар оширилган палов ҳам тугабди. Ҳамёнларимиздаги арзимас чойчақаларни эҳтиётлаб, яна бир неча емакхонага кирдик. Ниҳоят амал-тақал тамадди қилиб олдик. Ҳар косаси икки сўм турадиган ламмон шу қадар «тўйимли ва лаззатли» эдики, устидан чой ичишга ҳам ҳожат қолмади.

— Ҳа, ошпазлар беш баттар инсофсиз бўлиб кетишибди, деб қўйдик афсусланиб.

Лекин ҳамма ҳам биздек ночор аҳволда кун кечирмаётган бўлса керак? Мана, масалан, Тошкент шаҳридаги ресторанлар ҳали ҳам аввалги пайтлардагидай гавжум. Одамлар гўё оламда ҳеч гап бўлмаётгандай чақчақлашиб маишат қилиб ўтиришибди. Ҳисоб-китобга келганда ҳеч қийналмай 300—400 сўмдан тўлашаяпти.

Уйга дилсиёҳ бўлиб қайтарканман, катта оиланинг тоғдай юкини елкасида зўр-базўр ортмоқлаб бораётган бир кампир билан дардлашиб қолдим.

— Нарх-наво ошиб, элга қийин бўлди, — деди у. — Бу ҳам етмагандай баъзи бировлар, айниқса савдо ходимлари юлғичлик қилишмоқда. Бой ким, камбағал ким, яққол кўриниб қолди.

Улуғ Ватан уруши бошланганида ўн бир-ўн икки ёшларда эдим. Дастурхонимиз тобора ғариблаша борди. Шаҳар ва қишлоқлардан, боғ-роғлардан, ғайз, қут-барака қочди. Одамларнинг виждони, ор-номуси элак-элак бўла бошлади. Баъзи бир «йигитлар» эса ширин жонларини саломат сақлаб қолиш имкониятини қидирдилар ва топдилар. Кейин ўша «эзамат»лар мойли жойларга, асосан савдо шохобчаларига ўзларини урдилар.

Эсимда, Тошкент шаҳрининг биз яшаётган Кўкча даҳасида тахта-ёғочдан қурилган нон дўкони бўларди. Кўплар қатори кекса шоир Хислат ҳам мазкур дўкондан махсус қоғозга (албатта, пул тўлаб) нон оларди. «Оларди» дедим. Қаёқда! Одамлар ўз пешоналарига битилган 300 ёки 400 грамм нонни ҳам осонликча қўлга киритишмасди. Ҳар куни кечқурундан бошлаб навбатда туришга тўғри келарди. Қадди замонанинг зайлидан дол бўлган Хислат эшон ҳам (уни одамлар шу ном билан аташарди) кечалари несибталаб кишилар орасида ҳаловланиб юрарди. Ҳасталигидан бўлса керак, бот-бот йўтелиб турар эди. Ана шундай кунларнинг бирида Тўхтахон исмли сулув қиз шоирдан ижирганиб, тескари қаради. Шунда шоир:

— Тобора кетар ҳусқинг, қолмас ҳаридоринг сенинг! Мен ҳам бир пайтлар хуш қоматгина йигит эдим, она қизим! — дедилар.

Ўша кезларда даҳамизда «атака» деган сўз машҳур бўлганди. Бу ибора урушдаги «атака»ни эмас, дўконга келиши керак бўлган нонни бошқа ёққа туширib, чайқовчилар томонидан чаққонлик билан ташмалаб кетилишини ифодаларди. «Атака» қилинадиган нонни Ширмой (туси ширмой нонга ўхшагани сабабли кишилар уни „шундай аташарди) деган тўладан келган киши эшик аравада тайинланган ҳовлига элтиб бериб турарди. Табиийки, «атака» қилинган куни дўконимизга нон келмай қоларди. Эртасига эса кечаси билан сақлаган тартиб бузилиб, уйқит бошланарди. Ахир, ҳамма оч, нон олгиси келади-да! Шунда тала-тўп бўлиб турган оломон орасида дўкондор йигитга қараб мўлтираб турган Хислат эшоннинг мунгли овози эшитиларди:

— Абдуғани болам, ноним-ни бериб юбора қол!..

Даҳамиздаги хонадонларден бирида ака-ука азамат йигитлар ўз оиласи билан яшашарди. Иккови ёкки нон дўконга мудир эди. Оғир жанг кунлари давом этаётганига қарамай негадир уларни ҳарбий хизматга олишмаган, — оиласи худди тинчлик замонидагидек бошанг кийинар, фаровон яшарди.

Хуллас, дўконлардан инсоф қочганди. Шу боисдан ҳам кун сайин очарчилик зўрая борди, одамлар ўла бошлашди. Даҳамизда Абдухалил ота деган меҳнаткаш, кўнгли пок, ҳалол киши бор эди. Касби сартарошлик бўлса-да, оч қолиб оламдан безакт кўз юмган бечораларнинг мурдасини эшик-аравада қабристонга таширди. Бу кишига қўшни турадиган Абдураҳмон ота ҳам шундай савоби иш билан шуғулланарди.

Ана ўшандай мусибатли дамларда ҳам байрамлардагидек бошанг кийиниб, «Казбек» папироси (ҳар қутиси 100 сўм эди) чекадиган кимсалар оз эмасдилар. Бундайларнинг бошқалар ҳақиқа (очликдан ўлганлар ҳам шу ҳисобда) айшу ишрат қилиб яшаётганликларини ҳамма яхши билади.

1947 йилнинг охирида бўлса керак, озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни олиш учун чиқарилган талонлар бекор қилинди, пул алмаштирилди. Ана ўшанда кўз кўриб қулоқ эшитмаган ҳангомалар юз берди денг. Бева-бечораларнинг нонини туя қилиб, қоп-қоп пул жамғарган кимсалар ҳаққа чўнни босиб олгандай типирчилаб қолишди. Пул жиғардан пайдо бўлади деган ақида бежиз тўқиб чиқарилмаган экан. Пулини алмаштира олмай доғда қолган «шўрлик»лар аҳлу ҳушларидан айрилиб, ғарангсираб қолишди, аксарияти шу бедаво дард билан оламдан ўтиб кетди. Кексалар ҳамон ўшалар ҳақида «ҳунгилсиз хотиралар сўзлаб юришади.

Машҳур шоир ва олим Ҳайбатуллаҳўжа Орифхўжа ўғли Хислатни 1945 йилда 65 ёшида сўнгги манзилга кузатиб қўйган эдик. Қабри Шайх Зайниддин қабристонидаги тарихий мақбара олдида. Унинг тезарагидан гуллар аримайди. Сўлим ғазаллари завқ-шавқ билан ўқилмоқда, қўшиқ қилиб айтилмоқда.

Кўкчаликлар Саъдулла Исматов, Наби Расулов, Фаттоҳ Умаров, Жалол Иноятов ва ношир Рустам Комилов қатори Сафо қори Содиқовни ҳам дуо билан ёдга олишади. Сафо ота менинг катта амаким (у кишини ота дер эдик) Иброҳим Юсупов билан бирга биринчилардан бўлиб Тошкент трамвай корхонасига ишга киришган экан.

Сафо ота Сафоий тахаллуси билан аруз вазнида етук шеърлар ёзарди. Мени учратиб қолган пайтларида завқ-шавқ билан ўқиб берарди. Лекин негадир ёзганларини матбуотда чиқаришни хоҳламасди. Мен зору тавалло қилиб, у кишининг бир неча шеърини кўчириб олдим. Улар «Ленин учқуни» ва «Тошкент оқшоми» рўзномаларида чоп этилди.

Бир куни эрталаб (ёз ойлари бўлса керак) раҳматлик отам ва онам билан бирга ҳовлимиздаги ёғоч карвотда чой ичиб ўтирсам, кимдир кўча эшик зулфинини тақиллатди. Чиқиб қарасам, Сафо қори акам. Саломлашиб, сўрашдим. Шу пайт у киши:

— Ўғлим, мана буни олиб қўйинг, — деб қўлларидаги пулни узатдилар.

— Қанақа пул? — қайрон бўлиб сўрадим.

— Ёзган нарсаларимга келибди, олинг, мени хижолат қилманг.

— Қалам ҳақи бу... ўзингизники.

— Йўқ, кераги йўқ, пул учун ёзмаганман.

Олишга рози бўлмаганимдан кейин у киши қайтиб кетдилар-да, ораден бир соат чамаси вақт ўтгач яна келдилар. Қўлларида бир „қийиқча нон.

— Мени хижолатдан қутқаринг, жон ўғлим, ҳеч бўлмаса мана бу нонни олинг, — илтижо қилдилар Сафо ака.

Узганинг ҳақидан ҳазар қилмасе-да, ўзини ниҳоятда ҳалол, покиза деб ҳисобловчи одамларни кўрганда доимо Сафо акани хотирлайман.

Тақдир экан, кунларнинг бирида ҳашаматли иморат қура бошлаган қашқадарёлик матлубот жамияти раисларидан бирига рўпара бўлдим. У милиция ходимлари сўраб-суриштирганда, уларнинг бошлигини ишдан бўшаттириб юборган қудретли савдо ходими экан.

— Иморатга 200 минг сўмга яқин пул кетган, дейишаяпти. Ойлик маошингиз ўзингизга маълум, шунча пулни қайдан олдингиз? — сўрадим ундан.

— Қанча пулинг бор? — деб дурустан савол берди раис.

— Менда пул нима қилади...

— Керак бўлса, яна 200 минг сўм топаман, пул биздан бошингга бир урамен, ўласан!!!

Қаршимда қандай одам турганини пайқадим. Йўқ, у мени пул билан уриб ўлдиролмади. «Қайнар ҳумча» деган фельетон ёздим. Ҳа, ўша раиснинг чиндан ҳам эртакларда айтилганидек қайнар ҳумчаси бор эди.

Фельетон «шарофати» билан ўша раис ишдан олинди...

Қайнар ҳумчани мен бежиз эсга олганим йўқ. Ҳозир ҳам орамизда шундай ҳумчаси бор одамлар оз эмас. Бундай ҳумчаларнинг меҳнаткаш кишилар ҳисобидан тинимсиз қайнаб турганини ҳамма яхши билади.

Яшаш тобора қийин бўлиб бормоқда. Инсоф ва диёнат ҳозир бизга ҳар қачонгидан ҳам зарур. Қўлимизни текин деромадлардан, бироларнинг ҳақидан тортайлик. Зеро, буюк бобокалонимиз Ҳамад Яссавий лутф этганларидек: «Қул Ҳожа Аҳмад, нафсдан улуғ бало бўлмас».

Усмон ЮСУПОВ.

Ўш—Андижон: қардошлик риштаси

ЎШ шаҳар партия, совет, хўжалик идоралари раҳбарлари андижонлик меҳмонларни ҳар икки вилоятни бир бирига боғлаб турувчи чегара — Дўстликда кутиб олдилар. Қирғиз миллий либосидаги йигит-қизлар нон-туз, гулдасталар тутдилар.

Шаҳар партия комитетида бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг андижонликлар Ўш ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ленин комсомоли номли саноат-савдо шойи бирлашмасида, озиқ-овқат савдоси тармоқларида, қурилишларда бўлдилар.

Ўш саноат-савдо шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси Узбекистон корхоналари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келади. Ўш шойилари учун хом ашёнинг 30 фоизи Андижон вилоятидан олиб келинса, Ўшдан Андижонга ипак газламалар юборилади.

Раҳим КАРИМ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳукумат эътиборига

КИНОМИ Ё ЗИНОМИ?

Юртимизда бозор иқтисодиёти амал қила бошлади. Аҳолининг турмуши оғирлашди. Ҳозирги кунда биз, ёшларнинг ҳам ҳаётимиз осон кўчаётгани йўқ. Шунга қарамай мамлакат бўйича юз бераётган бу жараённи кўпга келган тўй деб қабул қилдик.

Бироқ ҳаётга теранроқ назар ташласак, ундан-да муҳимроқ жароҳатли нуқтамиз бор экан. Бу — тобора таназзулга юз тутаётган маънавиятимиз. Биз аксарият қолларда порахўрлик, бузуқчилик, олчоқлик сингари иллатлар тўғрисида баланд минбарларда туриб ошкора гапирамиз, матбуот саҳифаларида қоралаб ёзамиз-у, ўша гумроҳликларни келтириб чиқараётган омилларга эътибор бермаймиз чоғи...

Шу кунларда Тошкентнинг қатор кинотеатрларида 1990 йилда «Одеон» киностудиясида суратга олинган «Хотинбоз» («Бабник») фильми намойиш қилинмоқда. Одатда санъат асари, у хоҳ кино ёки театр бўлсин, инсонга маънавий озуқа бериши, нопокликларга нафрат уйғотиб, эзгу ишларга чорлаши лозим. Юқорида номи тилга олинган «санъат асари» эса кишиларни тўппа-тўғри бузуқликка чорламоқда.

Бу — ягона мисол эмас. «Интерқиз», «Кичик Вера», «Америкада бир кун», «Ошиқ эркак»... Яна давом эттириш мумкин. Бундай фильмлар бизга кунора келтирилмоқда, экранларда намойиш этилмоқда. Ачинарлиси шундаки, «Узбекфильм» киностудиясининг Оврўпо маданияти билан «суғорилган» айрим санъаткорлари шундай фильмлар яратишга қисса қўшмоқдалар. Аҳвол шу даражага бориб етдики, бундай фильмларнинг қора изи узоқ қишлоқларнинг чекаларигача, ўзбек нойхоналарининг «қўлбола» экранларигача етиб борди. Одатда томошага барча ёшдаги кишилар ташриф буюришади. Бирор синглиси, бирор рафиқаси, бошқа бирор яқин кишиси билан кино кўрмоқ, «маданий ҳордиқ чиқармоқ учун бу ерга келади. Лекин шаҳсвоний лавҳаларга бой кадрлардан ўсал бўлган эркаклар ўз ожизлари олдида ер чизиб қоладилар.

Пул топиш йўлида «кўнгилхушлик» учун яратилган ва яратилаётган фильмлар бошқа миллат вакиллари ҳаётида қандай тарбиявий роль ўйнашини билмаймиз-у, лекин улар бизнинг миллий қадриятларимизга тамомам зиддир. Ҳеч тушуна олмаймиз, бундан мақсад не? Усиз ҳам оқсоб турган маънавиятимизнинг қаддини янада букишми?! Ёки ўзбекларни (бутун Ўрта Осиё халқларини) ўз урф-одатларидан, имонидан айриб, Оврўпо маданиятига мажбурен ўргатишми? Бу сатрларни ўқиган айрим «маданиятли» кимсалар бизни маданиятсизликда айблашлари ҳам мумкин. Бироқ имонимиз комилки, ундайлар бутун халқимиз олдида бир ҳовуч, холос.

Пойтахтимизнинг хилват гўшалари, хусусан Ленин майдонидаги хиёбонда севишганларга кўзимиз тушади. Лекин ундай жойларда кечалари ҳам қолиб кетаётган, куппа-кундуз куни жамоат жойларида оғиз-бурун ўпишаётганларни ҳам севишганлар деб бўларми-кан?! Оқибатда секс вабоси тобора ёйилиб, СПИД қамрови кенгайиб бормоқда. Бу юқоридагидек нохуш фильмларнинг салбий натижаси эмасмикан? Бозор иқтисодиёти шароитида кўнгилхушлик учун фильм яратиб, моддий жиҳатдан яшаб қолишга чиранаётган санъатфурушлардан ҳам, уларнинг ярамас маҳсулотларидан ҳам воз кечиш пайти келди!

Тўғри, кейинги вақтларда матбуот саҳифаларида шу хилдаги танқидий мақолалар кўплаб чоп этилди-ю, сезиларли натижаси бўлмади. Лекин ушбу мақаланинг изсиз, самарасиз қолиб кетишини истамас эдик. Унга жавобан аниқ, кескин чора-тадбирлар кўрилишини, ҳатто бу борада махсус фармон чиқарилишини талаб қиламиз. Унда қуйидаги таклифларимиз акс этишини хоҳлаймиз.

1. Республикага келтирилаётган фильмларни туб миллат диди, миллий анъаналарига мос тарзда танлай оладиган комиссия (агар шундай комиссия бўлса, унинг иш тарзи тубдан ўзгартирилса) ташкил этилса. Унга миллий ғурурни қадрлай оладиган ёзувчи ва шоирлар, журналист ва олимлар, фахрийлар жалб қилинишлари керак. Одатдаги фильмларни шаҳвоний ҳаётга оид лавҳаларден тозалаш, фақат бузуқликни тарғиб қилувчи фильмларни эса қатъий рад этиш шу комиссиянинг бош вазифаси қилиб белгиланиши даркор.

2. Видеобарлар, хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатаётган кинотеатрлар иши қатъий назорат остига олиниши, шаҳвоний фильмларни турли йўллар билан келтиргаилар ва намойиш қилганларга (унга порнография суратларини тарқатганлар ва у билан савдо қилувчилар ҳам киради) қатъий чора кўрилиши зарур.

3. Жамоат жойларида хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин шармсиз қиёфада юргаилар ва шундай ҳаракат қилганлар, қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар, маъмурий жавобгарликка тортилишлари, уларнинг қилмишлари иш ва ўқиш жойига ошкор қилиниши керак.

Биз, ёшларнинг ушбу талабларимиз бутун ўзбек халқининг истагини ифодалашига ишончимиз комил. Зеро, иқтисодий таназзулдан вақт ўтиши билан чиқиш мумкин, маънавий йўқотиш эса миллатнинг инқирозига сабаб бўлади. Оғир ҳаёт, чексиз йўқотишлар оқибатида норозн бўлаётган аҳолининг навбатдаги ишони кинотеатрлар бўлиб қолмасин!

Абдувосит САИДЖАҲОНИЙ,
Наби ЖАЛОЛИДДИН,
Анвар РАҲМОН АЛИ,
Тошкент давлат университети талабалари.

БОЛАЛАРДАН ДАРИҒ ТУТИШМАЯПТИ

ВИЛОЯТ болалар жамғармаси фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида вилоят меҳнаткашларига, диндору фуқароларга мурожаат қабул қилиниди. Унда кишилар меҳр-оқибатли, саховатли бўлишга чорланадилар. Ҳозир Наманганда 508 бола етимхоналардан фарзандликка олган кишилар қарамоғида, 5 мингдан ортиқ киши эса боқувчисидан ажралган, 86 минг ўғил-қиз моддий аҳволи оғир оилаларда яшаяпти. 608 минг бола ногирон, 20 мингга турли касалликларга чалинган экан.

12 та кичик корхона ҳозиргача болалар жамғармасига 18 минг сўмдан ортиқ ёрдам берди. Ана шу маблағнинг бир қисми табиий офатдан зарар кўрган Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой, Чортоқ, Чуст районларига ҳам ажратилди.

Болаларни ҳимоя қилиш учун жамғарма банкида махсус ҳисоб очилди.

Р. ИРИСОВ.

Раҳматилла ота Холиқовнинг номини Тошлоқ районида каттаю кичик ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Сабаби — унинг таржимаи ҳоли ҳамма учун ўрнак ва ибратли. У Улуғ Ватан уруши жангчиларида жасорат кўрсатди. Ғалабадан кейин қадрдон уйига қайтгач, II гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, олий даргоҳда билим олди. 43 йилдан бери меҳнат соҳасида хизмат қилиб келаётир. У Тошлоқ районининг фахрий фуқаросидир. 5 фарзандининг отаси, 20 дан зиёд неварасининг бобоси Раҳматилла Холиқов бу ёшда 70 баҳорни қаршилади.

СУРАТДА: пири бадавлат отахон неваралари даврасида.
Еркин БОТИР олган сурат.

БУГУН: «Народное слово» саҳифаларида

Расмий хабарлар, республикамиз ҳаётига оид янгиликларни биринчи саҳифада ўқийсиз.

СССР бўйдоқларига, ёлгиз ва кам жон оилали фуқароларига солинадиган солиқни босқичма-босқич бекор қилиш тўғрисидаги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қонуни, озиқ-овқат маҳсулотларини талон орқали сотишда шаҳар билан қишлоқ ўртасида бўлаётган тафовутлар ҳақидаги материал иккинчи саҳифадан ўрин олган.

Учинчи саҳифада Тошкент ишбилармонлари учрашуви якунига доир материаллар, шахсий томорқа хўжалиги Қамаши районида қандай таҳсинланаётганлиги ҳақидаги мақолани ўқишингиз мумкин.

Газета мухбири Ю. Казаченконинг Игорь Фусенко билан мусоҳабаси, Тошкент шаҳридаги парклар ташландиқ ҳолда ётганлиги ҳақида Н. Хатамовнинг танқидий мақоласи ва бошқа янгиликлар билан тўртинчи саҳифада танишасиз.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖУРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Ғойиба ТУЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00
Босишга топширилди 22.00.

Индекс 64908. 5387-буюртма.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети матбуотининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12